

М.М. ТЎРАЕВ, Ф.Р.ХОЛБОЕВ,
А.Р. РАЙИМОВ, Р.Р. РАҲМОНОВ

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҚУШЛАРИ



0011010011

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**М.М. ТЎРАЕВ, Ф.Р.ХОЛБОЕВ,
А.Р. РАЙИМОВ, Р.Р. РАҲМОНОВ**

**БУХОРО ВИЛОЯТИ
ҚУШЛАРИ**

Бухоро - 2015

Илмий услубий қўлланмада Бухоро вилояти ва унга чегарда худудлар орнитофаунасининг тур таркиби жадвал кўринишида ба этилган бўлиб, унда қушларнинг учраш характери, биотоплар бўй тарқалиши, сон кўрсаткичлари (зичлиги) ва муҳофазаланиши бўй турларнинг мақоми ҳамда экологик хусусиятлари баён этилган. Шунинг қўлланмада вилоят орнитофаунасининг шаклланишига салбий таъс кўрсатувчи омиллар, унинг оқибатлари ҳамда уларни батараф эт борасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, вилоят қушлар биохилма-хиллигини сақлашга йўналтирилган таклиф ва тавсия ҳақида мулоҳазалар юритилган.

Мазкур қўлланма биология ва экология йўналишларида таъ берувчи ва илмий тадқиқотларини олиб борувчиларга, мактаб ўқувчила касб ҳунар коллежи, академик лицей ҳамда олий ўқув юртларини талабаларига, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият юритув давлат ва нодавлат ташкилотлари ходимларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

б.ф.д. Холбоев Ф.Р

Такризчилар:

г.ф.н.,доц. Тошев Х.Р

б.ф.н. Пардаев С.Ш

Бухоро давлат университети Кимё-биология факультетининг 2014 йил 27-июндаги 10-илмий кенгашида кўриб чиқилди ва нашрга тавсия этилди.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ГЕОГРАФИК ВА ЭКОЛОГИК ТАВСИФИ.....	7
БУХОРО ВИЛОЯТИ ВА УНГА ЧЕГАРАДОШ ҲУДУДЛАРДА УЧРОВЧИ ҚУШ ТУРЛАРИ.....	13
ҲУДУД ОРНИТОФАУНАСИ ТАРКИБИДА КУЗАТИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР	76
ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ. ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	89

КИРИШ

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслар доқилона фойдаланиш ва аждодларимиздан бизга мерос қилиб қолдирилган ушбу неъматни авлодларга бус-бутунлигича етказиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, миллий қонунчилигимизда ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи 20 дан ортиқ Қонунлар, юзлаб қонун ости ҳужжатлари ва бир қатор Халқаро Конвенциялар доирасида фаолият олиб борилаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Шундай бўлишига қарамасдан, айниқса XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, атроф-муҳит муҳофазаси, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш билан боғлиқ масалалар ўзининг кўлами ва долзарблиги билан умумбашарий аҳамият касб этмоқда.

Статистик маълумотлар таҳлили бугунги кунда дунё бўйича биологик хилма-хиллик таркибига кирувчи айрим тур вакиллари камайиб кетиш муаммоларини аксарияти бевосита ёки билвосита антропоген омиллар билан боғлиқлигидан далолат беради. Худди шундай республикамизда ҳам биохилма-хиллик объектлари, жумладан ҳайвонот дунёсининг камбағаллашувида инсон фаолиятининг иштироқи яққол намоён бўлмоқда.

Антропоген таъсирларнинг шакли, кўлами ва оқибатлари турли табиий географик минтақаларда турлича намоён бўлади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш масалаларига ҳам бир ҳудуднинг ўзига хос экологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашув талаб этилади. Ушбу қўлланмани яратиш жараёнида айнан мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қилинди.

Ўзбекистондаги йирик чўллардан бири саналган Қизилқум чўли зонасида жойлашган Бухоро вилояти ўзининг географик ўрни, иқлим шароити ва бетақрор табиати билан ажралиб туради. Бундай чўл шароитида

шаклланган биохилма-хилликни сақлаш масалалари ҳам ўзига хос илмий ёндашувни талаб этади.

Мазкур қўлланмада кўзда тутилган асосий мақсад, чўл шароитида шаклланган Бухоро вилоятидаги орнитологик таркибнинг бугунги ҳолати, **кузатилаётган ўзгаришлар ва бу ўзгаришга сабаб бўлаётган** омилларни аниқлаш, ҳамда биохилма-хилликни сақлаш билан боғлиқ масалаларини илмий асосда ҳал этишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди ва шу мақсадда қуйидагиларга эътибор қаратилди:

- Бухоро вилояти ва унга чегарадош бўлган ҳудудларнинг экологик хусусиятларини қушларнинг яшаш муҳити сифатида тавсифлаш;
- Вилоят ҳудудининг ҳозирги пайтдаги орнитофаунаси тур таркиби ва айрим турларнинг тарқалиш ареали ва зичлигини аниқлаш;
- Ноёб, кам сонда учровчи айрим турларнинг экологик ва биологик хусусиятларини очиб бериш;
- Қушларни муҳофаза қилиш йўналишидаги чора-тадбирлар ва уни такомиллаштиришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунга қадар Бухоро вилоятида олиб борилган орнитологик тадқиқотлар қушларнинг у ёки бу экологик гуруҳларининг, айрим туркумлар ёки алоҳида ландшафт турларининг биоэкологиясига ёки хўжалик аҳамиятига тегишли бўлиб, уларда ҳудуднинг яхлит орнитологик таснифи мавжуд эмас.

Иккинчидан, қушларнинг тур таркибига оид анча илгари олиб борилган тадқиқотлар натижасида йиғилган маълумотларнинг кўпчилиги бугунги кунги кунда қайта таҳлил этишни талаб этмоқда. Жумладан, узоқ йиллар давомида тўқайзор қуш турлари ва ҳаёти сувликлар билан боғлиқ бўлган турларнинг асосий яшаш маскани сифатида хизмат қилган Орол бўйи регионида содир бўлган экологик ўзгаришлар ҳудудда ва унинг чегарадош районларида қушларининг жамоавий таркибини қайта шаклланишига олиб келмоқда. Бу эса, вилоят орнитофаунасининг тур таркибини қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, мазкур қўлланмани тайёрлашда Бухоро вилояти ва унга чегарадош ҳудудларда учровчи қушларнинг ҳозирги рўйхатини тузишга ва орнитофаунанинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш орқали қушларни муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди. Ушбу қўлланма келгусида орнитология йўналишида магистрлик ва докторлик илмий тадқиқотларини олиб борувчиларга, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият юритувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари ходимларига, биология ва экология йўналишида таҳсил олаётган талабалар ва шу соҳа ўқитувчиларига мўлжалланган.

БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ГЕОГРАФИК ВА ЭКОЛОГИК ТАВСИФИ

Бухоро вилояти Ўзбекистон Республикасининг жануби-ғарбида Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида, Қизилқумнинг жанубий-ғарбида жойлашган. У шимолий-ғарбда қисқа масофада Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси билан туташган, шимол ва шарқ томондан катта масофада Навоий вилояти “ҳалқаси” билан ўралган, жанубий-шарқдан Қашқадарёнинг Қарноб ва Қарши чўллари билан чегарадош. Бухоро вилояти жанубий-ғарбда жуда катта масофада Туркменистон давлати билан чегараланади. Бу ерда чегара Амударёга ўнг томондан ёндашиб боради ва Дояхотин – Қизилрабoт оралиғидаги 80 км масофада эса дарё ўзани бўйлаб ўтади. Вилоятнинг умумий ер майдони 40,4 минг кв.км.ни ташкил қилади ((Назаров, Аллаёров 1994, Назаров, 2003).

Рельефи. Бухоро вилояти жойлашган географик жой рельефи бир қарашда оддий текислик сифатида намоён бўлсада, қадимий саналган чўл ландшафти ўзининг шаклланиш ва ривожланиш тарихида хилма-хил мураккаб геологик жараёнларни ўз бошидан кечирган. Айни пайтда рельеф тузилишидаги туб ўзгаришлар бевосита инсон фаолияти билан узвий боғлиқ. Вилоят ҳудудидаги энг баланд жой Қулжуктоғ тизмаси ҳисобланиб, мутлақ баландлик 785 метрга етади. Рельефдаги умумий нишоблик, Оғитма ботиғини ҳисобга олмаганда (133 метр) Амударё ўзани томон йўналган. Вилоят рельефини геоморфологик хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Паст тоғлар, платолар ва уларни ҳалқасимон ўраб турган нишоб юзалар. Бунга текисликлар орасида оролсимон бўртиб турган Қулжуктоғ, Кўкчатоғ, Тузконтёғи, Жаркон, Саритош каби платолар киради ва рельефдаги энг баланд зинапоя ҳисобланади.

2. Текис юзали платолар ва қирлар. Буларга Қоракўл, Денгизкўл, Учбош ва Қорақир кабилар киради. Бу гуруҳга Денгизкўл этагида жойлашган Сомонтепа, Чоштепа каби эрозион паст тоғларни ҳам киритиш мумкин.

3) Дарё ва кўл ётқизиқлари билан қопланган ва шамоллар фаолияти туфайли тўзиган аккумулятив текисликлар. Булар вилоят ҳудудининг асосий майдонини эгаллайдиган ва ясси тўлқинли текисликларни ташкил қилади. Улар орасида қумли майдонлар алоҳида ажралиб туради.

Ҳудуд рельефида шўрхокли майдонлар ҳам ўзига хос ўринга эга. Шўрхокли массивларда ўсимлик олами сийрак бўлиб, улар ҳайвонот вакилларининг айрим турлари ҳаёти учун бош пана ҳисобланади (Назаров, Аллаёров 1994).

Иқлимий хусусиятлари. Вилоят иқлими албатта бир неча омилларнинг ўзаро ҳамкорлиги таъсирида вужудга келади. Аммо Бухоро вилоятининг географик ўрни ва унинг чўл зонасида жойлашганлиги унинг иқлимий ҳамда экологик хусусиятларини белгиловчи асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Ўрта Осиёни Евро Осиё материгининг ички қисмида жойлашганлигини назарда тутганда, Бухоро вилояти ҳудуди Ўрта Осиё чўлларининг салкам ўртасида жойлашган. Вилоятда жанубий (субтропик) чўлларига хос бўлган кескин континентал чўл иқлими ҳукмронлик қилади. Кеча ва кундуз, қиш ва ёз ҳароратлари ўртасидаги кескин тафавут, нисбатан сернам, инжиқли баҳор, узоқ, қуруқ, жазирама иссиқ, ўта ёруғ ёз, қисқа ва турғунсиз куз, илиқ баъзида эса аёзли муқим бўлмаган қиш иқлимнинг асосий белгиларидир. Йил давомида қуёшли дамлар 2800-3000 соатга етади (Тошкентда 2852, Термизда 3053 соат). Қуёшдан келадиган радиациянинг ялпи миқдори 150-160 ккалга тенг. Фойдали ҳароратнинг яъни, ўртача кунлик мусбат 10 даражадан ортиқ бўлган ҳароратнинг йиллик йиғиндиси 4800-5100 даражагача боради. Бу ҳол ўта иссиқсевар маданий ўсимликлар етиштириш имкониятини яратади. Вилоятда энг совуқ муддат январь, энг иссиқ муддат эса июль ойларида кузатилади.

Иқлимий хусусиятлар ва у билан боғлиқ ҳолда шаклланган экологик муҳит ҳудудда чўлга хос бўлган экстремаль шароитларга ўта мослашган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг шаклланиши ва ривожланишига олиб келган. Чўл ландшафтларининг қадимийлигини ва бу ердаги ҳарорат, намлик ва шу каби бошқа экологик омилларнинг тебранишларини чекловчи даражаларгача етиши тирик организмларнинг яшаши учун бир қатор ноқулайликлар туғдиради. Бундай экологик заиф муҳитга нисбатан содир бўладиган салбий хусусиятли антропогент омиллар жиддий ўзгаришларга сабаб бўлиши табиий (Назаров, Аллаёров 1994).

Сув таъминоти. Бухоро вилоятининг сувга бўлган эҳтиёжи XX асрнинг бошларига қадар Зарафшон дарёси суви билан қондирилган. Аммо кейинги йилларда экстенсив деҳқончилик юритиш орқали қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳосилни оширишда нисбатан интилиш оқибатида янги ерларнинг ўзлаштирилиши сувга бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келди. Натижада Зарафшон дарёсидан оладиган сув улуши йилдан-йилга камайиб борди ва XX-асрнинг ўрталаридан бошлаб, мазкур дарё суви Навоий вилояти ҳудудида батамон сарфланиб бўлди ва бугунги кунда Бухоро вилоятида Зарафшоннинг оқава ва зовур сувлари оқизиладиган бир нечта ҳавзалар сақланиб қолган.

Ҳудудда сув танқислиги муаммосини бартараф этиш мақсадида, Амударёдан сув оловчи махсус канал қазилди ва унинг тармоқлари турли йилларда ишга тушди (1962 йилда Аму–Қоракўл, 1965 йилда Аму–Бухоро машина каналининг биринчи навбати, 1975 йилда Аму–Бухоро машина каналининг иккинчи навбати). Мазкур каналларнинг сувларини жамлайдиган ва улардан мавсумий фойдаланишга мўлжалланган 3 та сув омборлари ташкил этилди (Қуйимозор, Тўдакўл ва Шўркўл). Бундай ирригация тизимининг шаклланиши айти пайтда Бухоро вилояти аҳолиси ва унинг хўжалигини деярли тўлиқ Амударё сувидан фойдаланиши учун имкониятлар яратди (Назаров, Аллаёров 1994).. Юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда вилоятда қатор ирригация тизимларининг шаклланиши унинг

нафақат ўсимлик ва ҳайвонот дунёси биохилма-хиллигига балки, экотизимдаги туб ўзгаришларга сабаб бўлди. Жумладан, ҳайвонлар яшаш ареалларининг каналлар ва коллекторлар орқали бўлиниши, сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши, тупроқнинг шўрланиши, айрим жойларда ксерофил ўсимлик ва ҳайвонот турлари вакиллариининг йўқолиб кетиши ҳамда майда ва мавсумий кўллар сонининг ошишига олиб келди.

Вилоятда сизот сувлари сатҳини камайтиришга қаратилган жуда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аммо ушбу оқова сувларнинг бир қисми Порсонкўл зовури орқали Амударё ўзанига, қолган қисми эса Денгизкўл, Қорақир, Оёқоғитма, Зикри, Хадича, Қумсултон, Сечанкўл каби қатор ташланма кўлларига ташланади. Ҳисоб китобларга қараганда вилоятдан оқова сувлар билан оқзиладиган сувлар таркибидаги турли зарарли чиқитлар кўлларда тўпланиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида экологик муҳитга салбий таъсир этиши тайин. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сувга эҳтиёжи кам бўлган ўсимлик турлари ва навларини етиштириш, суғоришнинг замонавий усуллари, жумладан томчилаб суғоришни жорий этиш қисман бўлсада экологик муаммоларни бартараф этиш имкониятларини яратади.

Вилоят тупроқлари. Бухоро вилояти чўл зонасида шаклланган бўлсада, у орқали Амударё ва Зарафшон дарёларининг оқиб ўтганлиги, аҳолисининг асосий қисми қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлиги сабабли тупроқ таркибининг маданийлашуви юз берган. Ерни ўзлаштирилганлик ҳолатига қараб, вилоят тупроқларини чўл ва воҳа гуруҳларига ажратиш мумкин.

Чўл тупроқлари орасида кўнғир тусли сур тупроқ, қумли чўл тупроқ, тақирли тупроқлар ва шўрхокли тупроқлар кенг тарқалган. Бу типдаги тупроқлар вилоят майдонининг асосий қисмини ташкил этади. Бундай тупроқларда кўпгина ўсимликларнинг ўсиши учун имкониятлар чекланган яъни, чиринди миқдори ниҳоятда кам ва баъзи жойларда тупроқ таркибидаги тузларнинг миқдори меъеридан ортиқ бўлади.

Воҳа тупроқлари ҳам чўл тупроқ типлари асосида шаклланган ва антропоген таъсирлар асосида бошқариб турилади. Вилоятда ер ости сизот сувларининг юза жойлашганлиги сабабли шўрланишга мойиллик юқори, тупроқ унумдорлиги эса паст. Шу сабабли вилоятнинг суғориладиган экин далаларида шўрланмаган майдон атиги 10-15 % ни ташкил этади (Назаров, Аллаёров 1994).

Суғориладиган ерлардаги воҳа тупроқлари юқорида қайт қилинган тупроқлар замирида вужудга келган бўлиб, ўзлаштирилган даражаси ва агрохимик хусусиятлари билан фарқланади. Бухоро-Қоракўл воҳаларидаги асосий майдонни аллювиал ўтлоқ турлари ташкил қилади. Уларнинг тупроқ кесмаси одатда қатламли бўлиб, суғорма ётқизикларидан ташкил қилади. Узок йиллар давомида экилиш ва мелиоратив тадбирлар ўтказилишига қарамасдан унумдорлиги пастдир.

Бунга воҳаларнинг Зарафшон дарёсининг дельтасида жойлашганлигини, рельефдаги нишабликнинг етарли эмаслиги, буғланиш миқдорининг кўплиги асосий сабаблардандир.

Чўл зонасида кам чириндили кўнғир тусли, қумли ва тақирли шўрхок тупроқлар мавжуд. Тошлоқ чўллар майдонлари (паст тоғлар платолар қадимги юзаларда Қоракўл, Денгизкўл платолари, Газли даҳаси, Қулмуқтоғ этаклари каби) жойларда таркиб топган. Мутахасислар бу типни тошлоқли чўл тупроғи деб қарайдилар. Унинг кесмасида тош-шағал аралашмалари мўл бўлиб пастки қисми гипсли бўлади.

Унумдорлиги паст таркибида чиринди миқдори 0,21-0,56 фоиз атрофида. Қумли чўл тупроқлари ва ўсимлик қатламига эга бўлмаган қумли майдонларнинг кўлами жуда катта. Тупроқ кесмаси бўш ва ғовак қум қатламларидан иборат. Улар шўрланмаган тупроқлар қаторига кирсада, рельефнинг

мураккаблилиги ва сочма қумлардан таркиб топганлиги ўзлаштириш учун қийинчилик туғдиради.

Тақир тупроқларнинг механик таркибининг оғирлиги текис юзали рельефига эга бўлганлиги билан фаркланиб туради. Тақирнинг юза қатлами одатда зич сув ўтказмас қатламига эга бўлиб, ўсимлик қопламига эга эмас. Бу тупроқлар одатда шўрланган, озика моддаларига нисбатан бойроқ. Чиринди миқдори 0,41-1,06 фоиз атрофида бўлиб суғома деҳқончилик учун бир мунча қулайликларга эга. Шўрхоқлар нисбатан пастхам, шўрланган сизот сувларнинг ер юзига яқин бўлган жойларда кенг тарқалган. Ер ости сувларидаги тузларнинг капилляр найлар орқали юқорига кўтарилиши шўрхоқларнинг ҳосил бўлишдаги етакчи омилдир. Тупроқ эритмасида тузларнинг миқдори 3-20 % ва ундан ортиқ бўлади. Шўрхоқларнинг пўрсилдоқ, қатқалоқли ҳўл каби турлари учрайди. Бундай тупроқларни кўл атрофида, ботқоқлик жойларида учратиш мумкин. Ер ости сувлари чуқур жойлашган ерларда бу ҳолат жуда кам майдонни ташкил этади. Улар фақат Бухоро воҳасининг юқори қисмидаги ноҳияларида (Ғиждувон, Шофиркон) 10-15 фоизни ташкил этади холос. Қолган ноҳияларда тупроқларнинг 90-100 фоизи турли даражада шўрланган, уларнинг мағзида тузлар катта миқдорни ташкил этади.

Бу кўрсаткич тупроқ кесмасининг фақат 1 метрли қатламида 35-40 тонна (кам шўрланган), 150-370 тонна (кучли шўрланган) ва шўрхоқларга эса 400-800 тонна гектарни ташкил қилади (Ғофуров, 1976), шу туфайли суғориладиган майдонларга шўр ювиш ишларини қишда муттасил ва агротехника қоидаларига асосан ўтказиш талаб қилинади.

Ўсимлик қоплами. Ўзбекистон флораси таркибида юксак ўсимликларнинг 4500 дан ортиқ турлари рўйхатга олинган бўлиб, шундан Бухоро вилоятида 55 оилага мансуб бўлган 580 тури қайд этилган (Гранитов 1964). Адабиётлардаги маълумотларга қараганда, вилоят худудида ёввойи ўсимликларнинг 219 тури борлиги аниқланган ва уларнинг 173 тасини эндемик ўсимлик турлари ташкил этади. Шундан 13 таси фақат Бухоро вилоятида учрайди холос (А. Файзиев 1964, Гузаиров, 1968).

Вилоят табиатида учровчи ёввойи ўсимликлар эгаллаган умумий майдонининг 93 % чўл ландшафтига хос ўсимлик жамоалари ҳисобидан шаклланган. Қумли чўлларда саксовул, қуёнсуяк, қандим, черкез, патлок, чойчўп, селен, илок, ялтирбош туркумлари доминантлик қилса, гипсли тошлоқ чўлларда қизилча, сассиқ коврак, шувоқ, астрагал, исирик, партак каби ўсимликлар учрайди. Амударё соҳилларида, Зарафшон дарёсининг эски қайирларида, вилоятда ҳосил бўлган кўллар ва зовурлар атрофларида тўқай ўсимликлари жамоалари учрайди. Улардан турангил, сув толи, каптар жийда, юлғун, бўйра қамиш, ширинмия, камоқ, девпечак, янтоқ, қўға ва кендир кенг тарқалган (Назаров, Аллаёров 1994).

Ўзбекистон “Қизил китоби”га 326 тур ўсимлик киритилган бўлиб, шундан 28 тури Бухоро ва унга чегарадош районларда учрайди.

Ҳайвонот дунёси. Охирги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 15700 га яқин ҳайвон турлари учрайди. Шундан 15000 га яқини умуртқасиз ҳайвонлардир. Республикамизда учровчи ҳайвон турларининг 714 таси юксак тузилишга эга бўлган, умуртқали ҳайвонлардир (105–сут эмизувчилар, 462–қушлар, 60–судралиб юрувчилар, 3–суда ҳам қуруқликда яшовчилар, 84–балиқлар) шундан, 184 тури Ўзбекистон “Қизил китоби”га (2009 йил) киритилган.

Бухоро вилоятининг ҳайвонот дунёси ўзига хос ранг-рангликка эга. Бу ерда умуртқали ҳайвонлардан балиқларнинг 37, амфибияларнинг 2, рептилияларнинг 26, қушларнинг 332 ва сут эмизувчи ҳайвонларнинг 50 тури қайд этилган. Мазкур турлар орасида балиқларнинг 9 тури,

рептилияларнинг 6 тури, қушларнинг 44 тури ва сут эмизувчиларнинг 10 тури жами бўлиб 69 турдаги умуртқали ҳайвонлар Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган ва бу турларнинг каттагина қисми: балиқларнинг 4 тури, судралиб юрувчиларнинг 2 тури, қушларнинг 22 тури, сут эмизувчиларнинг 7 тури жами - 35 тур ҳайвон Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи (ТМХИ–IUCN)нинг “Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турлар Қизил рўйхати” га киритилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

БУХОРО ВИЛОЯТИ ВА УНГА ЧЕГАРАДОШ ХУДУДЛАРДА УЧРОВЧИ ҚУШ ТУРЛАРИ

Бухоро вилояти ва унга чегарадош ҳудудларда учровчи қуш турларига бағишланган ушбу маълумотлар вилоят ва унга чегарадош районларда олиб борилган зоологик ва орнитологик тадқиқотлар ҳамда, ушбу ҳудудда орнитологик тадқиқотлар олиб бораётган муаллифларнинг айна пайтдаги тадқиқотлари натижаларига асосланган. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, куйидаги жадвалда келтирилган, вилоятда учровчи қуш турларининг рўйхати - тугалланган, ўзгармас, доимий деган фикрдан йироқмиз ва бу рўйхат атроф муҳитга кузатилаётган ўзгаришларга мос равишда ўзгариб боради ва у доимий равишда такомиллаштиришни талаб қилади. Чунки, кейинги йилларда табиатда юз бераётган туб ўзгаришлар оқибатида орнитофауна ўзининг турғунлигини деярли йўқотди. Бундай вазиятда турларнинг тўлиқ ва тўлақонли рўйхатини тузиш узоқ ва узлуксиз мониторинглар олиб боришни, кадастр ўтказишнинг замонавий усулларини жорий этишни тақазо этади.

Жадвалда Бухоро вилояти ва унга чегарадош бўлган ҳудудларда учровчи қушларнинг тур таркиби, уларнинг учраш хусусиятлари, миқдори, мақоми ва манба муалифлари тўғрисида маълумотлар берилган.

Қуш турларини жадвалга жойлаштиришда Л.С.Степанян (1975,1978) систематикаси асос қилиб олинди.




Туркум, оила, турларнинг ўзбекча номлари Т.Зоҳидов, Ж.Л.Лаханов, Е.А.Крейцберг-Мухина, Д.Ю.Кашкаров, Е.Н.Лановенко, Э.Шерназаров, Е.Перегонцевлар томонидан чоп этилган тегишли адабиётлар бўйича берилди.

Бухоро вилояти ва унга чегарадош ҳудудларда учровчи қушларни учраш хусусиятига кўра 5 та гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ўтроқ турлар – вилоятда йил давомида доимий учровчи турлар;

2. Уя қуриш учун келиб-кетувчи турлар – вилоятда уя қурувчи ва фақат уя қуриш даврида учровчи турлар;
3. Қишлоқчи турлар – вилоят ҳудудига фақат қишлоқ учун учиб келувчи ва баҳорда учиб кетувчи турлар;
4. Учиб ўтувчи турлар – баҳорги ва кузги миграциялар даврида вилоят ҳудуди орқали учиб ўтувчи турлар;
5. Нодаврий учровчи турлар – нодаврий равишда, баъзи йилларда тасодифан учровчи турлар;

Жадвалдаги “+” белгиси турнинг ушбу гуруҳга мансублигини белгилайди. “+?” белгиси эса тегишли маълумотлар қўшимча аниқликни талаб этишига ишорадир.

Жадвалда Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган турлар  “Ў.Қ.К”, Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи (ТМХИ–IUCN) нинг “Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турлар Қизил рўйхати”га киритилган турлар эса   “Х.Қ.Р” шаклида берилди.

Турнинг инсон ҳаётидаги ва умуман биогеоценоздаги аҳамияти унинг сони билан узвий боғлиқ. Вилоятдаги турли биценозларда, жумладан, табиий чўл биоценозлари, сув ҳавзалари, агроценозлар ва шаҳарларда ҳар бир турнинг майдон бирлигидаги сони (зичлиги) аниқланди. Бунинг учун тегишли маршрутларда ўзига хос методлар ёрдамида бир нечта доимий кузатишлар ўтказилди ва унинг натижаларига кўра, турларнинг майдон бирлигидаги сони (зичлиги) 10 га майдон ҳисобидан аниқланди. Турлар майдон бирлигидаги сони (зичлиги, сероблиги)га кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

- Жуда кўп сонда учровчи турлар – (ЖК) 10 га.даги сони 100 тадан ошиқ;
- Кўп сонда учровчи турлар – (К) 10 га.да 10 тадан 100 тагача;
- Оз сонда учровчи турлар – (О) 10 га.да 1 тадан 10 тагача;
- Нодаврий учровчи турлар – (Н)

БУХОРО ВИЛОЯТИ ВА УНГА ЧЕГАРАДОШ ҲУДУДЛАРДА УЧРОВЧИ ҚУШ ТУРЛАРИ

№	Турлар	Турнинг майдон бирлигидаги сони ва мақоми	Турнинг учраш хусусияти					Учраш биотоплари	Манба муаллифлари
			Ўтроқ турлар	Уя қуриш учун келувчи турлар	Келиб-қошувчи турлар	Учиб ўтувчи турлар	Нодавий учровчи турлар		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Туркум: Гагарасимонлар- Гагарообразные- Gaviiformes

Оила: Гагаралар-Гагаровые-Gaviidae


1	Қизилтомоқ гагара-Краснозобая гагара – <i>Gavia stellata</i>	0			+			Вилоятдаги йирик сув ҳавзаларида баъзан баҳорги ва кузги миграция давларида оз сонда учрайди.	Митропольский, 1987 Тўраев, 2014
---	---	---	--	--	---	--	--	---	-------------------------------------



1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
2	Қоратомоқ гагара- <i>Чернозобая гагара –</i> <i>Gavia arctica</i>	О			+			Вилоятнинг йирик сув ҳавзалари Денгизкўл, Қорақир кўллари ҳамда Тўдакўл ва Қуйимозор сув омборларида кузги миграция даврларида учрайди.	Митропольский, 1987 Тўраев, 2012
Туркум: Қўнғирсимонлар-Поганкообразные-Podicipediformes Оила: Қўнғирлар-Поганковые-Podicipedidae									
3	Қанжир - <i>Малая поганка – Podiceps ruficollis capensis</i>	К	+					Вилоятдаги барча чучук сувли, қамишли ҳавзаларда - дарё, кўл, сув омбори ва балиқчилик ҳовузларида учрайди ва уялайди.	Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987, Сагитов, 1987 Тўраев, 1990, 2006.
4	Қора бўйинли қўнғир <i>Черношейная поганка –</i> <i>Podiceps nigricollis</i>	О				+		Вилоятнинг йирик, очик сув ҳавзаларида баъзан баҳорги ва кузги миграциялар даврида учрайди ва оз сонда сонда қишлайди.	Сагитов, 1987 Митропольский, 2007 Тўраев, 1990, 2006.
5	Қизил бўйинли қўнғир- <i>Красношейная поганка – Podiceps auritus</i>	О				+		Вилоятнинг йирик сув ҳавзаларида баҳорги ва кузги миграция даврларида учрайди. Қиш илиқ келган йиллари оз сонда қишлаб қолади	Сагитов, 1987 Митропольский, 2007 Тўраев, 1990, 2006.
6	Кулранг чаккали қўнғир- <i>Серощекая поганка –</i> <i>Podiceps griseigena</i>	О				+		Вилоятнинг йирик сув ҳавзаларида баҳорги ва кузги миграция даврларида учрайди. Қиш илиқ келган йиллари оз	Салихбаев, Остапен 1967 Сагитов, 1987 Митропольский, 2007

								сонда қишлаб қолади	Тўраев,1990,2006.
7	Катта қўнғир- <i>Большая поганка, чомга – Podiceps cristatus</i>	К	+					Вилоят сувликларида доимий учровчи тур саналади. Вилоятнинг барча чучук ва кам шўрланган қамишли сув ҳавзалари - дарё, кўл, сув омборлари, балиқчилик хўжаликлари ҳовузларида учрайди ва уялайди.	Маслов,1947 Салихба Остапенко, 1967 Бақоев, 1987, Сагитов, 1987 Тўраев,1990,2006.

Туркум: Куракоёқдилар-Веслоногие-Pelecaniformes


Оила: Бирқозонлар ёки Мешкончилар-Пеликановые-Pelecanidae

8	Пушти сақоқуш- <i>Розовый пеликан– Pelecanus onocrotalus</i>	 Ў.Қ.К				+		Вилоятнинг йирик сув ҳавзаларида баҳорги ва кузги миграция даврларида учрайди. Қиш илиқ келган йиллар оз сонда қишлаб қолади.	Салихбаев, Остапен 1967 Сагитов, 1987 Тураев,2006
---	--	--	--	--	--	---	--	---	--

9	Жингалак сақоқуш- <i>Кудрявый пеликан – Pelecanus crispus</i>	 Ў.Қ.К  Х.Қ.Р.				+		Вилоятнинг йирик сув ҳавзаларида баҳорги ва кузги миграция даврларида учрайди. Қиш илиқ келган йиллар оз сонда қишлаб қолади.	Маслов,1947 Салихбаев, Остапен 1967 Сагитов, 1987 Тураев,2006
---	---	---	--	--	--	---	--	---	---


Оила: Қоравойлар-Баклановые-Phalacrocoracidae


10	Катта қоравой- <i>Большой баклан– Phalacrocorax carbo</i>	Ж.К	+					Вилоятнинг аксарият сув ҳавзалари - дарё, кўл, сув омбор ва балиқчилик ҳовузларида учрайди. Қорақир, Зикри, Денгизкўл ва Тўдакўл ҳавзаларида уялайди.	Бақоев, 1987, Сагитов, 1987 Сагитов,Пукинский,198 Тураев,2006
----	---	-----	---	--	--	--	--	---	--

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
11	Кичик қоравой- <i>Малый баклан –</i> <i>Phalacrocorax pygmaeus</i>	 Ў.Қ.К  Х.Қ.Р	+					Вилоятнинг аксарият сув ҳавзалари - дарё, кўл, сув омбор ва балиқчилик ҳовузларида учрайди. Замонбобо, Қорақир, Зикри, Денгизкўл, Тўдакўл, Когон ва Бухоро балиқчилик хўжаликлари сувликларида уялайди.	Бақоев, 1987 Сагитов, 1987 М.Тўраев,2003,2006

Туркум: Лайлаксимонлар- аистообразные- ciconiiformes
Оила: Қарқаралар-Цаплевые-Ardeidae

12	Катта кўлбуқа - <i>Большая выпь –</i> <i>Botaurus stellaris</i>	О		+				Вилоятнинг қалин қамишли сувликлари – Қорақир, Замонбобо, Зикри кўллари, Тўдакўл сув омбори ва Когон, Бухоро балиқчилик хўжаликларидаги қалин қамишзорларда уя қуриб кўпаяди.	Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев,1987 Сагитов, 1987 Сагитов,Пукинский, 19 М.Тўраев, 2003.
13	Кичик кўлбуқа- <i>Малая выпь, Волчок–</i> <i>Ixobrychus minutus</i>	О		+				Вилоятнинг қалин қамишли сувликларидаги қамишзорларда уя қуриб кўпайишда иштирок этади.	Маслов,1947 Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев,1995 Сагитов, 1987 Сагитов,Пукинский,19 М.Тўраев,1990,2006.
4	Хакқуш-	К		+				Вилоятнинг мигрант турларидан	Бақоев, 1987


	<i>Кваква – Nycticorax nycticorax</i>						саналади. Барча сувликларда учрайди. Уялашда вилоятнинг Қорақир, Замонбобо, Зикри кўллари камишзорларида қайд этилди. Сўнги йилларда Бухоро шаҳри, Когон, Жондор, Қоракўл, Олот, Ромитан туманлари марказларида жойлашган хиёбонлардаги дарахтзорларда бу турнинг уялари қайд этилмоқда.	Сагитов,1987 Сагитов,Пукинский,1988 Тўраев,2008,2010,2012
15	Катта оқ қарқара- <i>Большая белая цапля Casmerodius albus</i>	О	+				Кўчманчи тур. Вилоятдаги аксарият сув хавзаларида учрайди. Қорақир, Зикри, Замонбобо кўллари ва Аму-Бухоро канали бўйида шакланган кичик кўлчалар, кўлмақлар ва кўллардаги камишзорларда уялайди.	Даль 1937 Салихбаев, Остапенко 1967 Тўраев,2009
16	Кичик оқ қарқара- <i>Малая белая цапля – Egretta garzetta</i>	 Ў.Қ.К		+			Баҳорги ва кузги миграция даврида, баъзан эса қишлашда вилоят сувликларида қайд этилади. Хадича, Зикри, Қорақир, Замонбобо кўллари ва Тўдакўл сув омбори ҳамда Когон, Бухоро балиқчилик хўжаликлари камишзорларида уялайди. Сўнги йилларда Жондор, Қоракўл, Олот ва Ромитан туманлари марказий хиёбонларидаги дарахтзорларда	М.Тураев,2003, 2006,2008,2012.


								ушбу турнинг уялари ҳаққушлар билан биргаликда ҳосил бўлган колонияларда қайд этилмоқда.	
17	Кулранг қарқара- <i>Серая цапля – Ardea cinerea</i>	К	+					Вилоятнинг деярли барча сув хавзалари атрофида учрайди. Сувликларнинг қалин қамишзорларида уялайди.	Маслов,1947 Салихбаев, Остапенко, 1967 Сагитов, 1987 Тўраев,2003,2008,2012
18	Жийрон қарқара- <i>Рыжая цапля – Ardea purpurea</i>	К		+				Мигрант тур. Вилоят сувликларининг қалин қамишзорларида уя қуриб кўпайишда иштирок этади.	Бақоев, 1987 Сагитов,1987 Сагитов,Пукинский,1987 Тураев,2003
19	Миср қарқараси- <i>Египетская цапля- Bubulcus ibis ibis</i>	Н		+			+	Республикаимиз фаунасида нодаврий учровчи турлардан бири сифатида рўйхатга олинган. Аммо 2009 йилда “Жайрон” экомарказида илк бор учиб ўтишда қайд этилган бўлса, 2011 йилда Бухоро вилоятининг Олот тумани марказидаги “Дўстлик” истироҳат боғидаги дарахтзорда қарқаранинг уя қуришда иштирок этиши қайд этилди.	Сагитов,1987, М.Тураев,2012
20	Сарик кўтон- <i>Желтая цапля- Ardeola ralloides</i>	 Ў.Қ.К		+				Мигрант турлардан саналади. Сув хавзаларининг қалин қамишзорларида учрайди. Ушбу турнинг худудда уя қуриши қайд этилган.	Бақоев, 1987

Оила: Ибислар-Ибисовые-Threskiornithidae


1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Қошиқбурун- Колтица – <i>Platalea leucorodia</i>	 Ў.Қ.К		+				Вилоятнинг мигрант турларидан бири. Сувликларнинг саёз қисмида озикланишда, қалин қамиш билан қопланган қисмларида уя қуриб кўпайишда иштирок этади.	Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987 Сагитов, 1987 М.Тураев, 2003, 2006, 2009
22	Қоравой- Каравайка – <i>Plegadis falcinellus</i>	 Ў.Қ.К		+				Вилоятнинг мигрант турларидан бири. Сувликларнинг саёз қисмида озикланишда, қалин қамиш билан қопланган қисмларида уя қуриб кўпайишда иштирок этади.	М.Тураев, 2003, 2006, 2009

Оила: Лайлаксимонлар-Аустовые-Ciconiidae

23	Оқ лайлак- Белый аист – <i>Ciconia ciconia</i>	 Ў.Қ.К				+		1980 йилларгача вилоятда, жумладан Бухоро шаҳрида уя қуриб кўпайишда учраган. Ҳозирги кунда вилоятнинг кам сонли мигрант турларидан бири саналади. Баҳорги ва кузги миграциялар даврида вилоятнинг Тўдакўл, Хадича ва Қорақир кўллари атрофида қайд этилади.	Маслов. 1947 Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987 Сагитов, 1987 Митропольский, 2006 М.Тўраев, 1990, 2006.
----	---	---	--	--	--	---	--	--	--

24	Қора лайлак- <i>Черный аист –</i> <i>Ciconia nigra</i>	 Ў.Қ.К				+		Вилоятдаги кам сонли мигрант турларидан бири. Баҳорги ва кузги миграциялар даврида Тўдакўл, Хадича ва Қорақир кўллари атрофларида қайд этилади.	Сагитов, 1987 Митропольский, 2007 М.Тўраев, 2013
----	---	---	--	--	--	---	--	---	--

Туркум: Қизилқанотсимонлар-Фламингообразные- phoenicopteriformes
Оила: Қизилқанотлилар-Фламинговые-Phoenicopteridae

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
25	Қизилғоз- Обыкновенный фламинго– <i>Phoenicopus roseus</i>	 Ў.Қ.К				+		Вилоятдаги кучли шўрланган сувликларнинг саёз жойларида баҳорги ва кузги миграция даврида учрайди.	Салихбаев, Остапен 1967 Кашкаров, 1987 Митропольский, 2007 Тўраев, 1990, 20 2013

Туркум: Ғозсимонлар-Ғусеобразные-Anseriformes
Оила: Ўрдақлар-Утиные-Anatidae

26	Кулранг ғоз- <i>Серый гусь –</i> <i>Anser anser</i>	К		+				Вилоятнинг сувликларининг қалин қамиш билан қопланган қисмларида уя қуриб кўпайишда иштирок этади	Салихбаев, Остапен 1967 Кашкаров, 19 Сагитов, Пукинск 1989 Митропольский, 20 М.Тўраев, 1990, 2006
27	Оқ пешонали ғоз- <i>Белолобый гусь –</i> <i>Anser albifrons</i>	О				+		Вилоятнинг кам сонли мигрант турларидан бири. Баҳорги ва кузги миграциялар даврида Тўдакўл сув омбори, Қорақир, Замонбобо,	Кашкаров, 1987 Митропольский, 2007 М.Тўраев, 2013.

									Зикри, Хадича кўллари атрофларидаги саёзликларда учрайди.	
28	Оқ пешонали кичик ғоз- Гусь -пискулька – <i>Anser erythropus</i>	 Ў.Қ.К  Х.Қ.Р					+		Вилоятнинг кам сонли мигрант турларидан бири. Баҳорги ва кузги миграциялар даврида вилоятдаги кўлларнинг теваарагида кичик сонда учрайди.	Кашкаров, 1987 Митропольский, 2007 Тўраев 2013
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	
29	Вишилдоқ оққуш- Лебедь-шипун – <i>Sygnis olor</i>	 Ў.Қ.К					+		Вилоятнинг аксарият сув ҳавзалари – кўл, сув омбор ва балиқчилик ҳовузларида кўпайишда учрайди. Қорақир, Зикри, Оёқоғитма кўллари ҳамда Когон ва Бухоро балиқчилик хўжаликларида, Денгизкўл ва Тўдакўл ҳавзаларининг камишзорларида, Хадича кўлидаги оролчаларда ерга уя қуради.	Маслов,1947 Салихбаев, Остапен 1967 Кашкаров, 1987 Митропольский,2007 Тўраев,2006
0	Қийқирдоқ оққуш- Лебедь-кликун – <i>Sygnis cygnis</i>	 Ў.Қ.К					+		Мигрант тур. Вилоятдаги Тўдакўл сув омборида, Замонбобо ва Қорақир кўли сувликларида вишилдоқ оққушлар билан кичик гуруҳ ҳосил қилган ҳолда учрайди.	Маслов,1947 Салихбаев, Остапен 1967 Кашкаров, 1987 Митропольский,2007 Тўраев,2006
31	Кичик оққуш- Малый лебедь – <i>Sygnis bewickii</i>	Н					+		Вилоят сувликларида баъзан кузги ва баҳорги миграцияда учрайди.	AVIKA


2	Анғирт ўрдак- Огарь, Атайка – <i>Tadorna ferruginea</i>	О		+				Озиқланишда сийрак ўтли, шўр сувли кўлларда учрайди. Уя қуришда эса ҳавза атрофидаги тепаликлар ва ковакларни танлайди.	Маслов,1947 Салихбаев, Остапен 1967 Кашкаров, 1987 Бақоев,1987 Митропольский, 2007 Тўраев, 2013
3	Қизилтомоқ ғоз- Краснозобая казарка - <i>Rufibrenta ruficollis</i>	 Ў.Қ.К  Х.Қ.Р					+	Баҳорги ва кузги миграциялар даврида дам олишда ва озиқланишда саёз сувликларда учрайди.	Кашкаров, 1987 Митропольский, 2007 М.Тўраев, 2006.
	2	3	4	5	6	7	8	9	10
4	Суралай ғоз- Пеганка – <i>Tadorna tadorna</i>	К		+				Шўр сувли кўлларда озиқланиб, уяларини хилват ковакларда жойлаштиради.	Салихбаев, Остапен 1967 Кашкаров, 1987 Тўраев, 2013
5	Ёввойи ўрдак- Кряква – <i>Anas platyrhynchos</i>	Ж.К	+					Вилоятнинг барча типдаги сув ҳавзаларида учровчи ўтроқ тур.	Маслов,1947 Салихбаев, Остапен 1967 Кашкаров, 1987 Тўраев,2013
6	Чуррак- Чирок-свистунок – <i>Anas crecca</i>	Ж.К		+?			+	Баҳорги ва кузги миграцияда вилоятнинг деярли барча сув ҳавзаларида учрайди. Қиш иллик келган йиллари қишлаб қолади. Сувликларнинг қирғоғини хуш кўради.	Маслов, 1947 Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987 Кашкаров, 1987 Тўра 2013



37	Катта чуррак- Чирок-трескунок – <i>Anas querquedula</i>	Ж.К		+?		+	Баҳорги ва кузги миграцияда вилоятнинг деярли барча сув ҳавзаларида учрайди. Қиш иллик келган йиллар қишлаб қолади.	Маслов,1947 Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев 1987 Кашкаров, 1987 Тўраев,2013
38	Қўнғир ўрдак- Серая утка – <i>Anas strepera</i>	К				+	Баҳорги ва кузги миграцияда вилоятнинг деярли барча сув ҳавзаларида учрайди. Қиш иллик келган йиллари қишлаб қолади	Кашкаров, 1987 М.Тўраев,1990,2006.
39	Олақанотли суқсур- Связь – <i>Anas penelope</i>	К				+	Вилоят сувликларида учиб ўтишда кўп сонда учрайди. Очиқ сувликларда бошқа сув қушлари билан гала ҳосил қилади.	Салихбаев, Остапен 1967 Кашкаров, 1987 М.Тўраев,1990,2006.
40	Суқсур- Шилохвость – <i>Anas acuta</i>	Ж.К				+	Баҳорги ва кузги миграцияда вилоятнинг деярли барча сув ҳавзаларида учрайди. Қиш иллик келган йиллар кичик сонда қишлаб қолади.	Маслов,1947 Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987 Кашкаров, 1987 Тўра 2013
41	Суқсун- Широконоска – <i>Anas cyreata</i>	Ж.К	+			+	Вилоятнинг деярли барча сув ҳавзалари учун учиб ўтувчи тур сифатида қайд этилган. Базан ёз ойларида ҳам кўпайишда иштирок этмайдиган вакиллари учраб туради. Сувликларнинг саёз жойларини хуш кўради.	Маслов, 1947 Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987 Кашкаров, 1987 Тўра 2013
42	Мармар чуррак- Мраморный чирок -	 Ў.Қ.К		+		+	Вилоят сувликларида баҳорги ва кузги миграциялар даврида учрайди	Кашкаров, 1987 Мухина,1993 М.Тўра

	<i>Marmaronetta angustirostris</i>	 Х.Қ.Р					ва сувликлардаги қамишзорларда кичик сонда уялашда иштирок этади.	1990, 2006.
43	Олмабош- <i>Красноносый нырок-</i> <i>Netta rufina</i>	Ж.К		+			Вилоят сувликларининг доимий турларидан бири саналади. Сувликлардаги қамишзорларда уялайди	Маслов,1947 Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987 Тўраев,2006
44	Қизилбош- <i>Красноголовый нырок–</i> <i>Aythya ferina</i>	Ж.К		+?		+	Учиб ўтишда барча типдаги сув хавзаларида учрайди. Уялашда атрофи қалин қамиш билан ҳимояланган кўлларни танлайди.	Маслов,1947 Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987 Тўраев, 2006
45	Олақанот ўрдак - <i>Белоглазая чернетъ -</i> <i>Aythya nyroca</i>	 Ў.Қ.К  Х.Қ.Р		+			Вилоят сувликларида баҳорги ва кузги миграциялар давомида учрайди ва кичик сонда уялашда иштирок этади.	Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987 Кашкаров, 1987 Тўраев, 2006
46	Ҳайдаркокил- <i>Хохлатая чернетъ –</i> <i>Aythya fuligula</i>	К			+	+	Баҳорги ва кузги миграцияда вилоятнинг деярли барча йирик сув хавзаларида учрайди. Қиш иллик келган йиллар қишлаб қолади, сувликларнинг очиқ жойларини танлайди.	Маслов,1947 Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987 Тўраев,1990,2006.
47	Ҳайдарқуш- <i>Морская чернетъ –</i> <i>Aythya marila</i>	О			+	+	Вилоят сувликларида учиб ўтувчи ва қишловчи тур сифатида қайд этилади. Сувликларнинг очиқ жойларини хуш кўради.	Кашкаров, 1987 Тўраев, 1990, 2006.

48	Хитой ўрдаги- <i>Обыкновенный гоголь –</i> <i>Visophala clangula</i>	О			+	+		Вилоят сувликлари учун учиб ўтувчи ва қишловчи турлардан саналади. Ҳавзанинг қирғоқдан узокда жойлашган ички қисмларини танлайди	Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев 1987 Кашкаров, 1987 Тўраев, 2013
49	Оқбош ўрдак- <i>Савка –</i> <i>Oxyura leucosephala</i>	 Ў.Қ.К  Х.Қ.Р			+	+		Вилоятнинг кам сонли қишловчи ва учиб ўтувчи турларидан. Қушнинг жўжали оиласи Тўдакўлдаги қамишзорда қайд этилган. Қишлашда асосан Денгизкўлда учрайди.	Мушина, 1993 Тўраев, 2006
50	Ёмон чераг- <i>Луток –</i> <i>Mergellus albellus</i>	О				+		Вилоят сувликларида баҳорги ва кузги миграциялар давомида учрайди. Кичик сонда қишлаб қолади.	Маслов, 1947 Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987 Кашкаров, 1987 Тўраев, 2013
1	Катта чераг- <i>Большой крохаль–</i> <i>Mergus merganser</i>	О			+	+		Вилоят сувликларида баҳорги ва кузги миграциялар давомида учрайди. Кичик сонда қишлаб қолади.	Салихбаев, Остапен 1967 Кашкаров, 1987 Тўраев, 1990, 2006.








Туркум: Лочинсимонлар- Соколообразные- falconiformes
Оила: Скопалар-Скопиные-Pandionidae



2	Сувқийғир- <i>Скопа –</i> <i>Pandion haliaetus</i>	 Ў.Қ.К				+		Вилоятнинг мигрант турларидан бири бўлиб, қиш илиқ келган йиллар вилоят сувликларида қишлаб қолади.	Митропольский, 1987 Тўраев, 1990, 2006.
---	---	--	--	--	--	---	--	---	--

								Балиқ захирасига бой сувликлар атрофида тез-тез учраб туради.	
Оила: Қарчигайлар-Ястребиные-Accipitridae									
53	Қора калхат-Черный коршун – <i>Milvus migrans</i>	О		+		+		Вилоятнинг мигрант турларидан бири. Аҳоли пунктларидан узоқда жойлашган, дарё қайирлари ва кўллар атрофидаги тўқайларда дарахтларга уя куради.	Салихбаев, Остапенко, 1967 Бақоев, 1987 Митропольский, 1987 Тўраев, 2013
54	Дала бўктаргиси-Полевой лунь – <i>Circus cyaneus</i>	О				+		Вилоятнинг мигрант турларидан бири. Вилоятдаги агроландшафтлардан озиқ излайди.	Митропольский, 1987 Тўраев, 2013
55	Чўл бўктаргиси-Степной лунь – <i>Circus macrourus</i>	 Ў.Қ.Қ  Х.Қ.Р				+		Вилоятнинг мигрант турларидан бири. Баъзан сув ҳавзалари атрофида ҳам учрайди.	Лоудон, 1909 Салихбаев, Остапенко, 1967 Митропольский, 1987 Тўраев, 2013
56	Ўтлоқ бўктаргиси-Луговой лунь – <i>Circus pygargus</i>	О				+		Мигрант тур. Вилоятдаги агроландшафтлардан озиқ излайди. Кемирувчилар сонини чеклашда иштироки бор.	Лоудон, 1909 Салихбаев, Остапенко, 1967 Митропольский, 1987 Тўраев, 2013
57	Қамишзор бўктаргиси-Болотный лунь – <i>Circus aeruginosus</i>	К		+				Ўтлоқ ҳолда яшайди. Сув ҳавзалари атрофидаги қамишзорларда уя қуриб	Лоудон, 1909 Даль, 1937, Маслов, 1947 Салихбаев, Остапенко,





								кўпайишда иштирок этади.	1967 Митропольский, 1987 Тўраев, 2003, 2006
58	Қарчиғай- <i>Тетеревятник –</i> <i>Accipiter gentilis</i>	О				+		Мигрант тур. Дарахтзорларда учрайди. Майда қушлар ва кемирувчиларни овлайди.	Митропольский, 1987 Тўраев, 2006.
59	Қирғий- <i>Перепелятник-</i> <i>Accipiter nisus</i>	О				+		Вилоятнинг мигрант турларидан. Дарахтзорларда учрайди. Майда қушлар ва кемирувчиларни овлайди.	Даль. 1937 Салихбаев, Остапенко, 1967 Митропольский, 1987 Тўраев, 2013
60	Тошқирғий- <i>Тювик –</i> <i>Accipiter badius</i>	О		+				Мигрант тур. Шаҳар ва қишлоқларда дарахтзорларда уя қуриб кўпайишда иштирок этади.	Бақоев, 1987 Митропольский, 1987 М.Тўраев, 2009
61	Оқ сор- <i>Зимняк –</i> <i>Buteo lagopus</i>	О				+		Вилоят ҳудудида миграциялар вақтида учрайди. Кичик сонда қишлайди.	Митропольский, 1987
62	Сариқ сор- <i>Курганник –</i> <i>Buteo rufinus</i>	О		+		+		Мигрант тур. Қумли чўлларда учрайди, уяларини саксовул, қандим, черкез каби чўл дарахт ва буталарида, Оёқ-оғитма кўли теварагида эса тоғ қояларида жойлаштиради.	Салихбаев, Остапенко, 1967 Бақоев, 1987 Митропольский, 1987 Тўраев, 2013
63	Оддий сор- <i>Канюк –</i> <i>Buteo buteo</i>	О				+		Вилоятнинг мигрант турларидан. Дарахтзорларда учрайди. Майда қушлар ва	Митропольский, 1987 М.Тўраев, 2013.

							кемирувчиларни овлайди	
64	Илонхўр бургут- Змеяд – <i>Circaetus gallicus</i>	 Ў.Қ.К		+		+	Мигрант тур. Қумли чўлларда учрайди, уяларини саксовул, қандим, черкез каби дарахт ва буталарда жойлаштиради.	Салихбаев, Остапенко, 1967 Бақоев, 1987 Митропольский, 1987 Тўраев, 2013
65	Кичик бургут- Орел-карлик- <i>Hieraaetus pennatus</i>	 Ў.Қ.К				+	Вилоят худудида миграциялар вақтида учрайди. Кичик сонда қишлайди.	Митропольский, 1987 Тўраев, 2013
66	Қирғий бургут- Ястребиный орел- <i>Hieraaetus fasciatus</i>	 Ў.Қ.К		+		+	Мигрант тур. Қизилқумдаги тоғли қояларда баъзан кўпайишда иштирок этади.	Бақоев, 1987 Митропольский, 1987 Тўраев, 2013
67	Дашт катта бургути- Большой подорлик - <i>Aquila clanga</i>	 Ў.Қ.К  Х.Қ.Р				+	Вилоятнинг мигрант турларидан. Учиб ўтишда барча биотопларда кузатилади.	Митропольский, 1987 Тўраев, 2013
68	Қиронқора- Могильник – <i>Aquila heliaca</i>	 Ў.Қ.К  Х.Қ.Р				+	Вилоятнинг мигрант турларидан. Учиб ўтишда барча биотопларда кузатилади.	Митропольский, 1987 Тўраев, 2013
69	Бургут- Беркут – <i>Aquila chrysaetos</i>	 Ў.Қ.К		+		+	Вилоятнинг мигрант турларидан. Учиб ўтишда барча биотопларда кузатилади. Чўлда саксовулларга, тоғ тизмалари ва жарликларда уя қуриб кўпаяди.	Бақоев, 1987 Митропольский, 1987 Тўраев, 2013


70	Чўл бургути- <i>Степной орел –</i> <i>Aquila nipalensis</i>	 Ў.Қ.К		+		+	Вилоятнинг мигрант турларидан. Вилоятнинг чўл зоналарида уя куриши кузатилади.	Бақоев, 1987 Митропольский, 1987 М.Тўраев, 2013
71	Узундумли сувбургут- <i>Орлан-долгохвост-</i> <i>Haliaeetus leucoryphus</i>	 Ў.Қ.К  Х.Қ.Р				+	Вилоятдаги сувликлар атрофида учиб ўтишда учрайди. Кам сонда қишлайди.	Даль, 1937 Салихбаев, Остапенко, 1967 Сагитов, Пукинский, 1987 Митропольский, 1987 Тўраев, 2010
72	Оқ думли сувбургут- <i>Орлан-белохвост -</i> <i>Haliaeetus albicilla</i>	 Ў.Қ.К  Х.Қ.Р				+	Вилоятдаги сувликлар тевагаида учиб ўтишда учрайди. Кам сонда қишлайди.	Митропольский, 1987 Тўраев, 2013
73	Болтаютар- <i>Бородач –</i> <i>Gypaetus barbatus</i>	 Ў.Қ.К				+	Вилоятнинг кам сонли мигрант турларидан бири. Тоғли биотопларда кемирувчилар ва ўлган ҳайвонларнинг тана қолдиқлари билан озикланади.	Митропольский, 1987 Тўраев, 2013
74	Кал жўрчи- <i>Стервятник –</i> <i>Neophron percnopterus</i>	О		+			Вилоятнинг мигрант турларидан. Кичик сонда уя куриб кўпаяди. Уясини тоғ тепаликларидаги карнизларда жойлаштиради.	Маслов, 1947 Салихбаев, Остапенко, 1967 Митропольский, 1987 Тўраев, 2012
75	Тасқара- <i>Черный гриф –</i>	 Ў.Қ.К		+		+	Вилоятнинг мигрант турларидан бўлиб, чўл	Бақоев, 1987 Митропольский, 1987

	<i>Aegypius monachus</i>	 Х.Қ.Р					зоналаридаги тоғ тизмаларида уя қуриши кузатилган.	Тўраев, 2013
76	Оқбош кумой- <i>Белоголовый сип – Gyps fulvus</i>	 Ў.Қ.К		+	?	+	Вилоятнинг мигрант турлардан бири. Чўл зоналаридаги тоғ тизмаларида уя қуриши кузатилган. Озиқа излаб паст текисликлар ва тоғ ён бағирларигача тушади.	Бақоев, 1987 Митропольский, 1987 Тўраев, 2013

Оила: Лочинлар-Соколиные-Falconidae

77	Итолғи-Балобан – <i>Falco cherrug</i>	 Ў.Қ.К  Х.Қ.Р		+			Вилоятнинг мигрант турларидан бири. Манбаларда Қизилқум марказидаги қолдиқ тоғларда уя қуриши тахмин қилинган.	Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987
78	Сахро лочини-Шахин – <i>Falco pelegrinoides</i>	 Ў.Қ.К				+?	Вилоятнинг мигрант турларидан бири. Вилоят паст текисликларида баҳорги ва кузги учиб ўтишда кам сонда учрайди.	Митропольский, 1987
79	Лочин-Сапсан– <i>Falco peregrinus</i>	 Ў.Қ.К				+	Вилоят худудида учиб ўтишда учрайди. Кам сонда қишлайди.	Митропольский, 1987 Тўраев, 2013
80	Жиғолтой-Чеглок – <i>Falco subbuteo</i>	О		+			Аҳоли пунктларидаги дарахтзорларда, дарё қайирларидаги тўқайзорларда уя қуради. Майда қушларни овлайди.	Бақоев, 1987 Митропольский, 1987 Холбоев, 2010, Тўраев, 2013

81	Кобчик- <i>Кобчик –</i> <i>Falco vespertinus</i>	О				+		Учиб ўтишда вилоят худудидаги дарахтзор ва тўқайларда учрайди.	Митропольский, 1987 Холбоев, 2011 Тўраев, 2013
82	Куйка- <i>Степная пустельга -</i> <i>Falco naumanni</i>	 Ў.К.К  Х.К.Р		+		+		Пасттекисликлардаги жарликлар, тепаликлар ва курилиш иншоотларида уя куриб кўпайишда иштирок этади.	Салихбаев, Остапенко, 1967 Митропольский, 1987
83	Миққий- <i>Обыкновенная</i> <i>пустельга –</i> <i>Falco tinnunculus</i>	К		+				Вилоятнинг деярли барча стацияларида учрайди ва уялайди. Уяларини ташландик иморатларга, жарлардга, тепалик ва дарахтзорларга куради.	Салихбаев, Остапенко, 1967 Митропольский, 1987 М.Тўраев, 2009
84	Трумтой- <i>Дербник-</i> <i>Falco columbarius</i>	О				+		Вилоята учиб ўтишда учрайди. Кам сонда кишлайди.	Салихбаев, Остапенко, 1967 Митропольский, 1987
Туркум: Товуқсимонлар- Курообразные-Galliformes									
	<i>Мухоловка пеструшка – Ficedula hypoleuca</i>						тўқай ва қамишзорларида учрайди.	Тўраев, 2009
77	Кулранг пашшахўр-Серая мухоловка – Muscicapa striata	К			+		Келиб-кетувчи тур. Вилютнинг дарё қайирларидаги тўқай ва қамишзорларида учрайди.	Маслов, 1947 Холбоев, 2000
78	Қизғиш думли пашшахўр-Рыжехвостая мухоловка- Muscicapa ruficauda	К			+		Мигрант тур. Баҳорги ва кузги миграцияларда учрайди.	Маслов, 1947

Дила: Шақ-шақлар-Дроздовые-Turdidae

79	Қорабош сирчумчук-Черноголовый чекан – Saxicola torquata	К		+			Уя қуриш учун келиб-кетувчи тур. Вилютдаги бутазорлар, тўқай ва қамишзорларда учрайди ва уя қуриб кўпаяди	Салихбаев, Остапенко, 1967 Бақоев, 1987 Тўраев, 2003, 2006, 2009
80	Қора сирчумчук Черный чекан – Saxicola caprata	К		+			Уя қуриш учун келиб-кетувчи тур. Вилютнинг тўқай ва қамишзорларида учрайди, бутта ва дарахт поясининг асосида, баъзан ерда чуқурчаларда уя қуриб кўпаяди.	Маслов, 1947 Салихбаев, Остапенко, 1967 Бақоев, 1987 Тўраев, 2003, 2006, 2009
81	Оддий тошсирчумчук-Обыкновенная каменка – Oenanthe oenanthe	К		+			Уя қуриш учун келиб-кетувчи тур. Вилютнинг тоғолди районларида, қирларда тошлар ёриқларида уя қуриб кўпаяди.	Салихбаев, Остапенко, 1967 Тўраев, 2003, 2006
82	Плешанка-Каменка-плешанка – Oenanthe pleschanka	к		+			Уя қуриш учун келиб-кетувчи тур. Вилютнинг тоғолди районларида ва қирлардаги	Маслов, 1947 Салихбаев, Остапенко, 1967

							тошлар ёриқларида уя куриб кўпаяди.	Бақоев, 1987
83	Қора тошсирчумчук- Черная каменка – <i>Oenanthe picata</i>	К		+			Уя куриш учун келиб-кетувчи тур. Вилютнинг тоғолди районларида ва қирлардаги тошлар ёриқларида уя куриб кўпаяди	Маслов, 1947 Бақоев, 1987
84	Қорабўйинли тошсирчумчук- Черношейная каменка – <i>Oenanthe finschii</i>	К		+			Уя куриш учун келиб-кетувчи тур, турли ковакларда уя куриб кўпаяди.	Салихбаев, Остапенко, 1967 Бақоев, 1987 Тўраев, 2003
85	Сахро тошсирчумчуғи- Пустынная каменка – <i>Oenanthe deserti</i>	К		+			Уя куриш учун келиб-кетувчи тур. Қирлардаги тошлар ёриқларида уя куриб кўпаяди	Салихбаев, Остапенко, 1967 Бақоев, 1987
86	Ўйноқи тошсирчумчук- Каменка-плясунья- <i>Oenanthe isabellina</i>	К		+			Уя куриш учун келиб кетувчи тур. Вилютнинг тоғолди районларида ва қирлардаги тошлар ёриқларида уя куриб кўпаяди. Бухоро шаҳри ва айрим аҳоли пунктларида фақат учиб ўтишда учрайди.	Маслов, 1947 Холбоев, 2000
87	Тўқай булбули- Тугайный соловей – <i>Cercotrichas galactotes</i>	К		+			Уя куриш учун келиб кетувчи тур. Вилютнинг тўқай ва қамишзорларида учрайди ва уя куриб кўпаяди	Бақоев, 1987
88	Ола тошшақ-шақ- Пестрый каменный дрозд –	К				+	Учиб ўтувчи тур. Вилютнинг шағал тошли чўларида учиб ўтишда учрайди.	Салихбаев, Остапенко, 1967 Холбоев, 2000

	<i>Monticola saxatilis</i>								Тўраев, 2003
89	Оддий қизилқуйрук- <i>Обыкновенная</i> <i>горихвостка</i> – <i>Phoenicurus phoenicurus</i>	К				+		Учиб ўтувчи тур. Вилоятнинг тўқай ва қамишзорларида учрайди.	Маслов, 1947 Салихбаев, Остапенко, 1967, Холбоев, 2000
90	Қора қизилқуйрук- <i>Горихвостка-чернушка</i> – <i>Phoenicurus ochruros</i>	К				+		Учиб ўтувчи тур. Вилоятнинг тўқай ва қамишзорларида учрайди.	Салихбаев, Остапенко, 1967
91	Қизилелкали қизилқуйрук- <i>Красноспинная</i> <i>горихвостка-</i> <i>Phoenicurus erythronotus</i>	К				+		Учиб ўтувчи тур. Вилоятнинг тўқай ва қамишзорларида учрайди.	Тўраев, 2003
92	Зарянка- <i>Зарянка</i> – <i>Erithacus rubecula</i>	К					+	Келиб-кетувчи тур. Вилоятнинг дарахтзорларида учрайди.	Холбоев, 2000, Тўраев, 2003, 2006
93	Жануб булбули- <i>Южный соловей-</i> <i>Luscinia megarhynchos</i>	К		+				Уя қуриш учун келиб-кетувчи тур. Вилоятнинг тўқай ва қамишзорларида учрайди ва уя қуриб кўпаяди.	Салихбаев, Остапенко, 1967 Бақоев, 1987 Тўраев, 2003, 2006, 2009 Холбоев, 2000.
94	Шарқ булбули- <i>Восточный соловей</i> – <i>Luscinia luscinia L.</i>	К					+	Вилоятнинг жанубий-шарқ чегараси бўйлаб миграция вақтида кам сонда учрайди.	Салихбаев, Остапенко, 1967
95	Варақушка- <i>Варакушка</i> – <i>Luscinia svecica</i>	К					+	Учиб ўтувчи тур. Вилоятнинг текисликларида баҳорги ва кузги миграцияларда кам сонда учрайди.	Салихбаев, Остапенко, 1967, Тўраев, 2003, 2009

296	Қоратомоқ қораялоқ- Чернозобый дрозд – <i>Turdus atrogularis</i>	К			+		Қишловчи тур. Вилоятдаги дарахт ва бутазорлар ҳамда тўқайларда қишлашда учрайди. Учиб ўтиш даврида сони нисбатан ошади.	Холбоев, 2000 Тўраев, 2006, 2009
297	Қора шақ-шақ- Черный дрозд – <i>Turdus merula</i>	К			+		Қишловчи тур. Вилоятдаги дарахт ва бутазорлар ҳамда тўқайларда қишлашда учрайди. Учиб ўтиш даврида сони нисбатан ошади.	Холбоев, 2000 Тўраев, 2003, 2006
298	Ола шақ-шақ – Рябинник – <i>Turdus pilaris</i>	К			+		Қишловчи тур. Вилоятдаги дарахт ва бутазорлар ҳамда тўқайларда қишлашда учрайди. Учиб ўтиш даврида сони нисбатан ошади.	Холбоев, 2000
299	Сайроқи шақ-шақ- Певчий дрозд – <i>Turdus philomelos</i>	К			+		Қишловчи тур. Вилоятдаги дарахт ва бутазорлар ҳамда тўқайларда қишлашда учрайди. Учиб ўтиш даврида сони нисбатан ошади.	Тўраев, 2009
300	Бўз шақ-шақ- Деряба – <i>Turdus viscivorus</i>	К			+		Қишловчи тур. Вилоятдаги дарахт ва бутазорлар ҳамда тўқайларда қишлашда учрайди. Учиб ўтиш даврида сони нисбатан ошади.	Холбоев, 2000 Тўраев, 2003, 2006, 2009
Оила: Йўғонтумшук читтаклар-Суторовые, толстоклювые синицы-Paradoxornithidae								
301	Мўйловдор читтак-	К	+				Вилоятнинг тўқай ва	Тўраев, 2013

Усатая синица –
Parurus biarmicus

қамишзорларида учрайди ва уя
қуриб кўпайишда иштирок этади.

Оила: Читтаклар-Синицевые-Paridae

302	Ваҳмақуш- <i>Обыкновенный ремез–</i> <i>Remiz pendulinus</i>	К		+			Уя қуриш учун келиб-кетувчи тур. Вилюятнинг тўқай ва қамишзорларида учрайди ва канал, дарё ёқаларидаги дарахтларда уя қуриб кўпаяди. Айрим биотоплар учун шартли равишда учиб ўтувчи тур саналади.	Салихбаев, Остапенко, 1967, Бақоев, 1987, 2012 Тўраев, 2003, 2009, Холбоев, 2012
303	Тўқай ваҳмақуши- <i>Тростниковый ремез -</i> <i>Remiz macronyx</i>	К		+			Келиб-кетувчи тур. Вилюятнинг тўқай ва қамишзорларида учрайди, сувликлар бўйидаги дарахтларнинг нозик новдаларининг учида ин тўқиб жўжа очади.	Тўраев, 2003
304	Бухоро читтаги- <i>Бухарская синица- Parus</i> <i>bokharensis</i>	К	+	+			Ўтроқ тур. Аҳоли пунктларидаги дарахтзорларда учрайди, ковакларда уя қуриб кўпайишда иштирок этади.	Маслов, 1947 Бақоев, 1987 Тўраев, 2012

Оила: Чумчуқлар-Воробьиные-Passeridae

305	Уй чумчуғи- <i>Домовый воробей- Passer</i> <i>domesticus</i>	К	+				Кўп сонда учровчи доимий тур. Вилюятнинг барча биотопларида уя қуриб кўпайишда иштирок этади.	Салихбаев, Остапенко, 1967 Бақоев, 1987
306	Ҳинд чумчуғи-	К		+			Уя қуриш учун келиб-кетувчи	Холбоев, 2010

	<i>Индийский воробей - Passer indicus</i>						тур. Йирик галалари вилоятдаги кузги буғдой донларига жиддий зиён етказди.	
307	Қоратўш чумчуқ- Черногрудый воробей – Passer hispaniolensis	О		+		+	Асосан баҳорги ва кузги миграциялар даврида учрайди. Қисман қишлайди.	Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987 Холбоев, 2010
308	Саксовулзор чумчуғи- Саксаульный воробей – Passer ammodendri	О		+			Кам сонли мигрант тур. Вилоятнинг қумли чўлларидаги бута ва дарахтларда уя қуриб кўпайишда иштирок этади.	Бақоев, 1987
309	Дала чумчуғи- Полевой воробей- Passer montanus	Ж.К	+				Жуда кўп сонда учровчи ўтроқ тур саналади. Вилоятнинг барча биотопларида уя қуриб кўпайишда иштирок этади.	Маслов, 1947 Салихбаев, Остапен 1967 Холбоев, 2010
310	Чўл чумчуғи- Пустынный воробей – Passer simplex Zarudnyi	О		+		+	Учиб ўтишда қумли чўлларда учрайди. Уя қуриш эҳтимоли бор.	Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987
311	Тоғ чумчуқ – Каменный воробей-	О		+			Кам сонли мигрант тур. Вилоятнинг шимолий районларида тоғларда уя қуриб кўпайишда иштирок этади.	Бақоев, 1987
Оила: Вьюроклар-Вьюрковые-Fringillidae								
312	Қизилтўш- Зяблик – Fringilla coelebs	О				+	Қишловчи тур. Аҳоли пунктларидаги дарахт ва бутазорларда қайд этилади.	Холбоев, 2000 Тўраев, 2012
313	Вьюрок - Юрок –	О				+	Қишловчи тур. Аҳоли пунктларидаги дарахт ва	Холбоев, 2000 Тўраев, 2012

	<i>Fringilla montifringilla</i>						бутазорлар ҳамда тўқайларда қайд этилади.	
314	Кўк чумчук- Обыкновенная зеленушка – <i>Chloris chloris</i>	О				+	Нодаврий учровчи тур. Қиш қаттиқ келган йилларда аҳоли пунктларидаги дарахтзорларда учрайди.	Холбоев, 2000
315	Чиж- Чиж – <i>Spinus spinus</i>	О				+	Баҳорги ва кузги миграцияларда вилоятнинг тўқай ва дарахтзорларида учрайди.	Холбоев, 2000 Тўраев, 2012
316	Қорабош саъва- Черноголовый щегол – <i>Carduelis carduelis</i>	К				+	Вилоятнинг тўқай ва дарахтзорларида баҳорги ва кузги миграцияларда учрайди.	Тўраев, 2012
317	Муғул व्यюроги- Монгольский пустынный снегирь – <i>Bucanetes mongolicus</i>	К		+			Уя қуриш учун келиб-кетувчи тур. Вилоятнинг тоғ ва тоғолди районларида учрайди ва уя қуриб кўпаяди	Бақоев, 1987
318	Бўзбош саъва- Седоголовый щегол - <i>Carduelis caniceps</i>	О				+	Вилоят худуди учун нодаврий учровчи тур, учраши иқлимий омиллар билан узвий боғлиқ.	Холбоев, 2000
319	Қизилқанот чумчук- Краснокрылый чечевичник – <i>Rhodopechys sanguinea</i>	О				+	Вилоят худуди учун нодаврий учровчи тур, учраши иқлимий омиллар билан узвий боғлиқ.	Холбоев, 2000
320	Чўл व्यюроги- Пустынный снегирь - <i>Bucanetes githagineus</i>	К		+			Уя қуриш учун келиб-кетувчи тур. Кулжуктов, Ақтов массивларида уя қуришда қайд этилган. Бошқа худудларда	Бақоев, 1987 Тўраев, 2012

								бахорги ва кузги миграцияларда учрайди.	
321	Саман вьюроги- <i>Буланый вьюрок – Rhodospiza obsoleta</i>	О	+					Ўтроқ тур. Уя куриб кўпайиши Зарафшон ва Учқудук шаҳарларида қайд этилган. Баҳорги ва кузги миграцияларда учрайди. Чўл зонасидаги чашма ва қудуклар яқинида уя куриб кўпаяди.	Мекленбурцев, 1958 Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987 Холбоев, 2012
322	Оддий қизилбош чумчук- <i>Обыкновенная чечевица – Carpodacus erythrinus</i>	О				+		Учиб ўтувчи тур. Вилюятнинг дархтзор ва тўқайларида баҳорги ва кузги миграцияларда учрайди.	Салихбаев, Остапен 1967 Холбоев, 2000 Тўраев, 2012
323	Арча қайчитумшуғи- <i>Клест-еловик – Loxia curvirostra</i>	К					+	Нодаврий учровчи тур. Вилюятнинг шаҳар ва қишлоқларида баъзи йилларда қишлашда кам сонда учрайди.	Тўраев, 1991 Холбоев, 2000
324	Снегир- <i>Обыкновенный снегирь – Pyrrhula pyrrhula</i>	О			+			Вилюятнинг шаҳар ва қишлоқларида қишлашда кам сонда учрайди.	Тўраев, 2012
325	Болгатумшук- Дубонос- <i>Coccothranstes coccothranstes</i>	О			+			Вилюятнинг шаҳар ва қишлоқларида қишлашда жуда кам сонда учрайди.	Холбоев, 2000

Оила: Дехқончумчуқлар-Овсянковые-Emberizidae

326	Тарикхўр дехқончумчук- <i>Просянка – Emberiza calandra</i>	К		+				Келиб-кетувчи тур. Вилюятнинг тўқай ва қамишзорларида учрайди ва уя куриб кўпаяди.	Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987 Тўраев, 2002, 2006, 201
-----	--	---	--	---	--	--	--	--	---

327	Одий дехқончумчук- <i>Обыкновенная овсянка –</i> <i>Emberiza citrinella</i>	О			+		Қишловчи тур. Вилоятнинг аҳоли пунктлари атрофлари, тўқай ва қамишзорларида қишлашда қайд этилади.	Холбоев, 2000 Тўраев, 2012
328	Оққалпоқли дехқончумчук- <i>Белошапочная овсянка –</i> <i>Emberiza leucosephala</i>	О			+		Қишловчи тур. Вилоятнинг аҳоли пунктлари атрофлари, тўқай ва қамишзорларида қишлашда қайд этилади.	Холбоев, 2000
329	Туркистон коноплянкаси- <i>Туркестанская коноплянка</i> <i>Carduelis cannabina</i>	О				+	Мигрант тур. Баҳорги ва кузги миграцияларда учрайди.	Салихбаев, Остапен 1967
330	Қоя сарик чумчуғи- <i>Скальная овсянка</i> <i>Emberiza buchanani</i>	О		+			Уя қуриш учун келиб-кетувчи тур. Уя қуришда сувликлар яқинидаги донли далаларда кўп учрайди.	Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987
331	Сарик дехқон чумчуғи- <i>Желчная овсянка –</i> <i>Emberiza bruniceps</i>	К		+			Мигрант тур. Баҳорги ва кузги миграцияларда учрайди.	Салихбаев, Остапен 1967 Бақоев, 1987 Тўраев, 2012
332	Тўқай дехқончумчук- <i>Камышовая овсянка –</i> <i>Emberiza schoeniclus</i>	О		+			Келиб-кетувчи тур. Вилоятнинг тўқай ва қамишзорларида учрайди ва уя қуриб кўпаяди	Маслов, 1947 Тўраев, 2012

Изоҳ: Вилоят худудида учровчи ҳар бир тур, унинг учраш хусусиятидан (хоҳ у уя қуришда иштирок этса, қишлашда учраса, хоҳ у мигрант тур ёки ўтроқ тур бўлса), қатъий назар улар хилма-хил биотопларда учрайди ва у биотопларда кузатилаётган ўзгаришлар уларнинг хулқ аторида, тарқалиш экологиясида маълум маънода ўз аксини топади асосда худудда қушларнинг учраш хусусиятлари ўзгариб туриши мумкин ва у узлуксиз кузатишларни талаб этади. Шундан келтирилган ушбу маълумотларимиз кейинги мониторинг тадбирлари учун ўзига хос дастур бўлиб хизмат қилади деганини умиддамиз.

ХУДУД ОРНИТОФАУНАСИ ТАРКИБИДА КУЗАТИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР

Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, XX асрнинг иккинчи ярмида бошлаб инсониятнинг хўжалик фаолиятининг жадаллашуви, фан ва техника ютуқларининг халқ хўжалигини турли соҳаларига тадбиқ этилиши натижасида атроф муҳитга бўладиган таъсирнинг кўлами ошириб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот олами вакиллари, жумладан, орнитофауна таркибидаги хилма-хил ўзгаришларнинг намоён бўлишида ўз аксини топомқда.

Республикамызда ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини экин майдонини кенгайтириш ҳисобидан оширилишига қаратилган сиёсат, ҳудуднинг табиий компонентлари ўзгаришига сабаб бўлган асосий омиллардан бири бўлди.

Аввало экин майдонлари учун фойдаланилаётган ерлар-чўл экотизими ҳисобидан шакллантирилиши билан тегишли ҳудудлардаги ўсимлик ва ҳайвонларининг тур таркиби ва ареалларида ўзгаришлар кузатилган бўлса, иккинчидан, мазкур экин далаларни суғориш учун ирригация тизимларининг бунёд этилиши янги сув ҳавзаларининг пайдо бўлишига, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилишига, шўрланиш эрозия ва ландшафтларнинг табиий қиёфасини ўзгаришига олиб келди.

Бизга маълумки, Республикамызда халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигида асосан йирик икки дарёлар Амударё ва Сирдарё сувларидан фойдаланилади. Ушбу дарёлар ва уларнинг ирмоқларида шаклланган кўллар, тўқайзорлар, оролчалар ҳамда ушбу дарёлар қуйиладиган охириги ҳавза – Орол денгизи ва унинг қирғоқлари ҳудуд табиати унинг флора ва фаунасини шаклланишида асосий ўринни эгаллайди.

Аммо Республикамызнинг жанубий-шарқ ва марказий районларида айниқса, географик ўрни жиҳатидан денгиз сатҳидан бир мунча

чуқурликда жойлашган Бухоро вилояти, шунингдек унга чегарадош Қашқадарё, Навоий вилоятлари ҳудудларида 1960 йиллардан бошлаб сув ҳавзалари билан боғлиқ туб ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, Денгизкўл, Девхона, Сечанкўл, Аччиккўл, Замобобо, Оёқоғитма, Қорақир кўллари ҳамда Шўркўл, Қуйимозор, Тўдакўл сув омборлари, Аму – Бухоро машина канали, Аму-Қарши каналлари ва уларнинг атрофларида бунёд бўлган Зикри, Хадича, Қумсултон, Хўжамсайёт, Чўчқахона, Алан, Сечанкўл, Аччиккўл каби кўллар ва ўнлаб балиқчилик ҳавзаларининг шаклланиши, ҳаёти сув ҳавзалари билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган турли гидрофил куш турларининг республикамиз бўйлаб қайта тақсимланишига ва айрим ксерофил турларнинг бу жойларни тарқ этишига олиб келмоқда.

Ҳудудда ўтган асрнинг ўрталаригача олиб борилган тадқиқот натижаларини бугунги олинган маълумотлар билан қиёсий таққослаганда сув ҳавзалар ва уларнинг атрофидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва айниқса сув ва сув олди кушларнинг тур таркиби, зичлиги, учраш характерида бир қатор ўзгаришлар кузатилаётганлиги намоён бўлади. Жумладан: Маслов (1947), Салихбаев, Остапенко (1962), Сагитов (19870, Кашкаров (1989), Митропольский (1991), Бақоев (1987)ларнинг анча илгари олиб борган тадқиқотларидаги маълумотларида, санаб ўтилган ҳудудларда ҳаёти сув ҳавзалари билан боғлиқ бўлган турлар 123 тани ташкил этади, улардан 23 турнинг ҳудуд сувликларида уя қуришда иштироки кузатилганлиги қайд этилган. Бугунги кунда ушбу сувликларда бу таркиб 132 турдан иборатлиги ва улардан 34 турнинг уя қуришда иштироки кузатилмоқда.

Шунингдек 2000 йилдан бошлаб санаб ўтилган сув ҳавзаларида Ўзбекистон ва Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (ТМХИ–IUCN) нинг “Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турлар Қизил рўйхати”дан жой олган каравайка, қошиқбурун, кичик оқ

қарқара, кичик қоравой, вишиилдоқ оққуш, оқбош ўрдак, мрамр ўрдак ва ҳатто миср қарқараси каби турларнинг уя қуриш кузатилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу турларнинг аксарияти, 1995 йилларгача вилоят ҳудудида фақатгина баҳорги кузги миграциялардагина қайд этилган халос. Шунингдек, бугун кунда мавсумий миграциялар даврида қийқирок оққуш, торғоқ қизилтомоқ қазарка, чинқирок ғоз, қизил ғоз, оқ думли сувбургут, уз думли сув бургут, сувқийғир, оқ лайлак, қора лайлак каби нод турларнинг сув ҳавзалари ва уларнинг атрофида мунтазам учрати мумкин бўлиб қолди.

Аммо, инсониятнинг хўжалик фаолиятлари туфайли вилоят орнитофаунаси таркибига энди кириб келаётган турларнинг бу ерда турғун яшаб қолиши ва бошқа турлар жамоасига қўшилишида баъзи муаммолар кузатилаётганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, қайд этилган сув ҳавзалари атрофлари яланғоч, тўқай ва қамишзорлар майдони жуда кам. Бу эса, кириб келаётган баъзи турларнинг хатти ҳаракатида, жумладан, кўпайиш этологиясида ўзига ҳос ўзгаришларнинг номоён бўлишига олиб келмоқда. Айрим турлар эса ўз ареалларини кенгайтириб, бошқа турлар билан жамоалар ҳосил қили яшашга мослашиб бормоқда. Масалан, ҳаёти сувҳавзалари билан боғлиқ бўлган ҳаққушлар, кичик оқ қарқаралар ва миср қарқаралар вилоят сувликлари атрофида уя қуриш имкониятларининг чекланганлиги сабабли, ҳавзалардан ўнлаб км. узоқликда жойлашган туман марказлари (Олот, Қорақўл, Жондор, Ромитан, Когон) ва Бухоро шаҳридаги истироҳат боғларидаги дарахтзорларда гўнг қарғалар билан бирга колония ҳосил қилиб уя қуриши қайд этилмоқда (Тўраев 2000, 2010, 2012). Вилоят ҳудудида орнитофауна таркибидаги бу каби кутилмаган ўзгаришлар сўнгги йиллардан кўплаб кузатилмоқда.

Албатта юқоридаги каби узок йиллар давомида эволюцион жиҳатдан шаклланган орнитофауна таркибидаги трансформацион ўзгаришлар маҳаллий турлар ҳаётига салбий таъсир ўтказди. Шу билан бирга, бир пайтлар бу ерларда учрамаган, учраган тақдирда ҳам уя қурмайдиган турларнинг фауна таркибидан ўрин олишига сабаб бўлади. Юқоридаги ҳолатлар табиий равишда турнинг озикланиш, кўпайиш, дам олиш ва бошқа ҳаётий цикларидаги мосланишларда турли силжишларнинг намоён бўлишига олиб келади. Мазкур жараёнларнинг барчаси келгуси тадқиқотларда турнинг биологик ва экологик хусусиятларини қайта чуқур ўрганишни ва шу асосда уларни муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш йўналишидаги тадбирларни режалаштиришни тақазо этади.

ВИЛОЯТДА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР. ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудининг асосий қисмини текистликлар—чўллар эгаллайди. Юқорида таъкидланганидек инсон фаоляти орқали чўлларда шаклланган ўзига хос инфротузилмалар, ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот олами вакиллари ҳаётида баъзи бир ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Шундай бир шароитда вилоятда Табиатни муҳофаза қилиш борасида сўнгги йилларда амалга оширилаётганлиги ижобий тадбирлар ҳудудда биологик хилма-хилликни сақлаб қолишга ва кам сонли нодир турларни сон жиҳатдан тикланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Фикримизни исботи сифатида фактларга мурожиат қилсак: Вилоятда 2006-2008 йиллар давомида Англия Қироллигининг “BirdLife international” Британия Халқаро Қушларни муҳофаза қилиш жамиятининг ташаббуси билан Ўрта Осиёнинг Қозоқистон, Ўзбекистон, Туркменистон республикаларида олиб борилган Муҳим орнитологик

худудларни белгилаб олиш тадбирида вилоятнинг Денгизкўл, Зикри, Хадича, Қорақир, Оёқ-оғитма кўллари, шунингдек “Когон” балиқчилик хўжалиги ҳовузлари, ҳамда Вардонзе тепаликлари Муҳим орнитологик худуд сифатида белгиланди. Эндиликда ушбу марказлар Халқаро аҳамиятга молик нуқталар сифатида қушлар муҳофазасини ташкил этиш марказларидан саналади. Олиб борилган тадқиқотлар жараёнида худуд орнитофаунасининг тур таркиби таҳлил этилиб, кам сонли ва нодир турлар йиғиладиган асосий марказлари белгилаб олинди. Шунингдек қушлар ҳаётига таъсир этаётган табиий ва антропоген омиллар аниқланди ва уларни бартараф этишга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди. Мазкур фаолият худуд орнитофаунаси муҳофазасини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этганлигини таъкидлаш лозим.

Вилоятнинг Қорақир массивида Араб амирликлари билан ҳамкорликда Халқаро аҳамиятга эга бўлган, кам сонли нодир турларда бири “Йўрға тувалоқ”ни кўпайтириш мақсадида ташкил этилган махсус “питомник” ушбу тур муҳофазасида алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Худуд шундай тадбир Бухоро вилоятига чегарадош Навоий (Кармана) вилоятида ҳам амалга оширилмоқда. Бу ерда 2007 йилдан йўрға-тувалоқ қушини кўпайтириш ва парвариш қилиш бўйича «Emirates Centre for Conservation of Houbara» МЧЖ фаолият юритиб келмоқда. Олинган маълумотларга кўра аҳамият томонидан 2012-2013 йиллар давомида 220 дан ортиқ йўрға-тувалоқ питомникда парваришланиб, табиатга қўйиб юборилган. 2014 йилнинг 1 январь ҳолатида питомникда 1600 та йўрға-тувалоқ парваришда бўлган ва шу йил давомида 500 қушни табиатга қўйиб юбориш режалаштирилган.

Келажада шу каби ов аҳамиятига эга, нодир ва камёб турларни тутқунликда ва ярим тутқунликда кўпайтиришга ҳамда табиатга чиқариб юборишга мослашган махсус питомникларни жорий этиш биохилма-хилликни сақлаб қолишда энг асосий роль ўйнайди.

Вилоят ҳудудидаги сувликлардан Денгизкўлнинг Халқаро аҳамиятга эга бўлган сувликлар сифатида Рамсар Конвенциясига киритилганлиги ва айтилган вақтда Бухоро ва Навоий вилояти чегарасида жойлашган Тўдакўл ва Қуйимозор сув омборларини ушбу Конвенцияга киритишга тегишли бўлган барча ҳужжатлар расмийлаштирилган. Мазкур хавзалар ва уларнинг атрофида Ўзбекистон ва Халқаро “Қизил китоби”га киритилган 45 та тур рўйхатга олинган бўлиб, шундан 22 та тур Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи (ТМХИ–IUCN) нинг “Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турлар Қизил рўйхати”га киритилган. Мазкур нодир турлардан 10 таси ушбу хавзалар ва уларга тегишли биотопларда уя қуриб кўпайишда иштирок этади.

Вилоятнинг Денгизкўл ва Қорақир кўлларидаги “Орнитологик буюрмахоналар” сифатида эълон қилинганлиги вилоятда қушлар хилма-хиллигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида шаклланди “Ўзбекистон Қушларни муҳофаза қилиш жамияти” ва унинг жойлардаги филиаллари мамлакатимизда қушларни муҳофаза қилиш ишида фаол иштирок этиб келмоқда.

2007 йил 14 ноябрда Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган ушбу жамият Ўзбекистон Фанлар Академияси Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси филология институти қошида фаолият юритади. Ҳозирги вақтда ўз атрофида мутахассислари ва талабаларни бирлаштирган Нукус, Бухоро ва Самарқанд давлат университетлари ҳамда Ўзбекистон Миллий университетида мазкур жамиятнинг вилоят филиаллари фаолият юритади. Жамиятнинг асосий мақсади, Ўзбекистонда ўтроқ ва мавсумий равишда оловчи қуш турларини муҳофаза қилиш, қушларнинг яшаши учун қулай бўлган муҳим жойларини аниқлаш, ўрганиш, ёш табиатшуносларни қушларни ўрганиш соҳа–орнитологияга қизиқишларини уйғотишдан иборатдир. Ўзбекистон ҳудуди қушларнинг баҳорги ва кузги кўчиб ўтиш

йўллари туташадиган, хилма-хил ноёб, кам сонда учровчи куш турлар яшайдиган ўзига хос ҳудудлигини эътиборга олганда, ушбу жамиятнинг ташкил этилиши ва кушларни муҳофаза қилиш йўналишида олиб бораётган чора-тадбирлари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзига хос экотизим сифатида барқарорлиги бирмунча заиф бўлган чўл зонасида амалга ошириладиган ҳар қандай бунёдкорлик фаолияти, ҳудудда тур таркибининг камбағаллашувига, сонининг камайишига, тур ареалларининг ўзгаришига ва баъзи антропоген таъсирларга нисбатан тез таъсирланувчи урбофоб турларнинг ҳудудни бутунлай тарк этишига олиб келади. Қадимда кушлар асосан инсоннинг бевосита таъсири, яъни озуқа манбаи сифатида ов қилиш оқибатида йўқолиб кетган бўлса, эндиликда уларнинг йўқолиб кетиши асосан инсоннинг хилма-хил хўжалик фаолиятлари оқибатида кушларнинг озикланиш, уя қуриш ва умуман яшаш шароитларининг ўзгариши натижасида содир бўлмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, республикамиздаги кўпгина вилоятлар қатори Бухоро вилоятида ҳам янги сув тармоқларини қуриш рентабелсиз саналувчи экстенсив деҳқончилик юритиш, шаҳарсозлик, чўл зонасида нефт, газ қувурларини ўтказилишидаги эътиборсизликлар каби бошқа қатор ўзгаришлар ҳудуд биохилма-хиллигига, шу жумладан орнитофаунанинг ўзгаришига олиб келди.

Шуни таъкидлаш лозимки, эндиликда биохилма-хилликни сақлаб соҳасида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этишда анъанавий усулларда фойдаланиш, яъни турларни “Қизил китоб”га киритиш, муҳофаза этиладиган ҳудудлар (МЭТХ) майдонини кенгайтириш орқали кутилган натижаларга эришиш анча қийин. Бизнингча, ҳозирги пайтда ушбу соҳада тўла қонли натижаларга эришиш учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

-Ҳайвон ва ўсимлик турларини муҳофаза қилишда уларнинг биологик ва экологик хусусиятларини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш зарур

Айниқса соҳада фаолият юритувчи малакали систематикларни тайёрлаш ва айта тайёрлаш долзарб масалалардан бири сифатида қаралиши ўта муҳим.

Маълумки, маҳаллий фауна тур таркибини бойитишда унга бошқа турларни иқлимлаштириш алоҳида ўрин тутаяди. Худуд учун янги бўлган турларни киритишдан олдин уларнинг маҳаллий турлар билан бўлиши мумкин бўлган муносабатларини ўрганиш, математик моделлаштириш ва экологик прогнозлаш методларидан кенг фойдаланиш масалалари айни замонда қадар тўғри йўлга қўйилмаган. Маҳаллий турлар узок эволюция натижасида маҳаллий шароитга мослашган бўлиб, улар ўзлари яшайдиган биоценоздаги бошқа турлар билан турли-туман муносабатда (трофик, топик, симбиоз ва бошқалар) бўлади. Уларнинг яшаш муҳитига бошқа турларни иқлимлаштириш, шунингдек узок йиллар давомида шаклланган муносабатни бузиши ва натижада муносабат типидagi муносабатлар кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, ҳаётда нисбатан “кучсиз” турлар бундан зиён чекади. Шу асосда бир қатордан иккинчи жойга кўчириб ўтазилиши режалаштирилган ҳайвон турларининг маҳаллий фауна ва флора билан кутиладиган муносабатини ўзгартириш зарур.

Маълумки, илмий асосланган ва тўлиқ маълумотлар бўлсагина экологик хилма-хиллик объектларини сақлаб қолиш мумкин. Бундай маълумотларга тўғри ташкил этилган кадастр ва мониторинг натижалари асос қилини эришиш мумкин. Кадастр ва мониторинг ишларини тўла тўқис қилишга олишнинг таъминловчи самарали механизмларни ишлаб чиқиш зарурати долзарблигича қолмоқда. Давлат кадастрини юритишни тўғри ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофазат этиладиган биологик ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасида ҳамда “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида белгилаб берилган объектнинг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат ва сифатлари ва баҳоли тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар эътибор қаратиш зарур. МЭТХ давлат кадастри уларнинг

режимини таъминлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришни режалаштираётганда мазкур ҳудудларни ҳисобга олиш мақсадида юритилиши лозим.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, табиий объектлар кадастри ва мониторинги ишларини янги босқичга кўтариш ўта долзарб вазифалардан бири. Айтиш керакки, айтиш пайтда ушбу масалада ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжуд. Тўғри ташкил этилмаган кадастр ишлари қайси турлар муҳофазага муҳтож, қайси турларни “Қизил китоб”ларга киритиш зарур, қайси турлар билан ва қанча миқдорда савдо-сотиқ ишларини амалга ошириш ёки уларни овлаш бўйича қандай лимитларни белгилаш мумкин, сони жуда ошиб кетганлиги, инсон ва табиатга зиён келтираётганлиги сабабли қайси турларнинг сонини бошқариш зарур, муайян ҳудудда қанча миқдордаги озиқа бирлиги мавжуд, бу майдонда қанча миқдорда ўтхўр ёки йиртқич ҳайвонларни сақлаш мумкин, ҳайвонларнинг тур таркиби, тарқалиш ареали, майдон бирлигидаги сони қанча ва шу каби қатор ўта муҳим саволларга жавоб топиш имконини бермайди. Шу билан бирга, МЭТХД ҳайвонларни муҳофаза қилишда озиқа базасини мустаҳкамлаш ва бунга эришиш мақсадида табиий озиқа манбаларининг миқдорини аниқлаш ва шунинг орқали ноқулай иқлим шароитлари ва фавқулодда вазиятларда ҳайвонларнинг қирилиб кетишининг олдини олиш ва зарур ҳолларда уларни сунъий озиқлантириш ҳам тўғри ташкил этилган кадастр ишлари орқали ўн самарасини бериши мумкин.

Нотўғри ташкил этиладиган ва ов қилишнинг таъқиқланган услубларида фойдаланиш орқали уюштириладиган ов фаолиятини ҳамда ов хўжаликлари овчилар ва браконьерлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ва қонун ости ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, овчиларга нисбатан масъулиятни ва браконьерларга нисбатан жиноий ва маъмурий жазоларни кучайтириш зарур.

Табиат объектларини жумладан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини духофаза қилиш мақсадида ташкил этилган МЭТХни тўла инвентаризация илиш, яъни ҳудудни ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад, унинг ўз лдига қўйилган вазифаларни қай даражада бажараётганлигини ва ҳамиятини баҳолаш, лозим бўлса ҳар бир МЭТХнинг рейтингини аниқлаш амда уни тегишли тартибда рағбатлантириш каби масалаларни қонун ужжатлари асосида тартибга солиш ҳам долзарб масалалардан биридир.

Шуни таъкидлаш лозимки, келажакда МЭТХларни лойиҳалаштиришда республикадаги барча биомларни ва турларни қамраб олиш ва шу орқали амарали натижаларга эришиш мумкин.

Юқорида қайд этилган ижобий тадбирлар қаторида бугунги кунда илоятда инсониятнинг хўжалик фаолиятлари туфайли юзага келаётган баъзи амчиликлар, ҳудуднинг ҳайвонот олами вакилларининг тарқалиш ареалини исқаришига олиб келмоқда. Қуйида уларнинг айримлари ҳақида тўхталиб тишни лозим топдик.

– Вилоятнинг Қандим, Денгизкўл бўйидаги Шоди ҳамда Ҳавзак масканларида, Зикри ва Девхона кўллари атрофида газ ва нефт конларини очишда олиб борилаётган қазилар ва бурғулаш ишлари оқибатида бу ерлардаги биологик хилма-хилликка зиён етказилмоқда.

–Баъзи ҳолларда, ҳали ишга туширилмаган ушбу нефт ва газ қудуқлари атрофига нефт маҳсулотларини сизиб чиқиши оқибатида атроф муҳитнинг ифлосланиш ҳоллари қайд этилмоқда.

–Зикри ва Хадича кўллари атрофидаги бундай қудуқларнинг айримларини сув остида қолиб кетганлиги оқибатида ўсимликлар ва ҳайвонларнинг захарланиш ҳоллари кузатилади.

–Ҳудуддан газ ва нефт қувурларининг ўтказилиши юзлаб гектар чўл массивларида очиқ майдонларнинг ҳосил бўлишига ва бу ерларда тупроқ эрозиясининг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

–Шунингдек ҳудуддаги сувликлар атрофида, Аму-Бухоро канали ёқасида шаклланган кўллар ва кўлмакларда қиш фаслининг дастлабки кунларида, баъзан баҳор фаслида қамишзорларга ўт қўйиш ҳоллари қайд этилади. Холбуки бу қамишзорлар қиш фаслида ҳудудда учровчи ёввойи ҳайвонлар ва қушларнинг асосий бошпанаси ва кўпчилик турларнинг асосий озиқланиш маскани ҳисобланади.

–Чорва молларини боқиш учун чўлдан ажратилаётган майдонларнинг кенгайиши ҳамда майдон бирлигида чорва туёғининг меъеридан ортиши яйловларда экологик зўриқишга сабаб бўлмоқда. Бу эса, ҳудудда чўлланиш жараёнини тезлаштиради ва ҳудуддаги нодир ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётига салбий таъсир қилади.

–Вилоятнинг чўл зонаси билан чегара районларида баъзан коммунал чиқитларни, теварак атрофга палапартиш ташланиши оқибатида ҳам ҳудуднинг турли чиқитлар билан ифлосланишига олиб келмоқда.

Биологик хилма-хилликни сақлаб қолишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган МЭТХ бошқарув тизимининг турли идораларга (Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, маҳаллий ҳокимиятлар) тегишлилиги ҳам соҳани бошқаришнинг мураккабланишига ва самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлади. Шу сабабли МЭТХда ягона бошқарув тизимини жорий этиш масаласини кўриб чиқиш вақти келди.

Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режасида белгиланган асосий вазифалардан бири, яъни муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг майдонини республика умумий майдонининг 10% га етказиш муҳим масалалардан биридир. Албатта бунда МЭТХларни лойиҳалаштиришда республикамиздаги барча биохилма-хиллик объектларини қамраб олиш эришишнинг ҳам мақсадга мувофиқлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Шундай экан биз вилоятда қушлар оламини муҳофазасини ташкил этиш мақсадида қуйидаги **таклиф ва тавсияларни** амалга оширишни ринли деб биламиз:

1. Вилоятда вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари ва илмий тадқиқот институтлари олимлари орасида тизимли илмий тадқиқотларни шу жумладан орнитологик кузатувларни ташкил этиш ва шу орқали мониторинг юритиш зарур;

2. Йилнинг барча мавсумларида ва қушлар ҳаётининг барча циклларида қушлар йиғиладиган асосий марказларни аниқлаш ва бу марказларда мавсумий хусусиятли турли ҳимоя зоналарини ташкил этиш;

3. “Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар” мақоми берилган Зикри, Хадича, Қумсултон, Оёқ-оғитма, Замонбобо, Денгизқўл, Қорақир кўллари, Когон балиқчилик хўжалиги, Тўдакўл ва Қуйимозор сув омборларида мунтазам орнитологик тадқиқотлар олиб бориш орқали нодир ва кам сонли турларнинг уя қуриб кўпайиши учун қулай бўлган ҳолатни аниқлаш асосида амалий тадбирларни бажариш;

4. Сув ҳавзаларига сув ва суволди қушларни жалб қилиш мақсадида қушлар учун ҳимояланган бошпаналар, сунъий уялар ва оролчалар ташкил этишни йўлга қўйиш;

5. Қушларнинг кўпайиш мавсумида (март-июнь) сув ҳавзалари, айниқса сув омборлари, балиқчилик хўжаликлари ҳовузлари ва ташлама кўлларда сув сатҳининг бир маромда бўлишини назорат қилиш;

6. Сув ҳавзалари атрофида чорва молларини боқиш, қамишларни ўриб олиш ёки уларга ўт қўйиш ҳолларининг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

7. Вилоятда ов муддатларини имкон қадар қисқартириш ва айниқса, қушлар уя қуришга киришадиган ҳудудларда ов қилишни чеклаш;

8. Браконьерлар ва ов қилишнинг таъқиқланган усулларида ов қилувчи овчиларга нисбатан назоратни кучайтири;

9. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар атрофида яшовчи аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида бу ердаги таълим муассасалари ва маҳаллаларда, Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишидаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва илмий ходимлар иштирокида турли акциялар, семинар-тренинглар ўтказишни тизимли йўлга қўйиш;

10. Оммавий ахборот воситаларида вилоятнинг табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги ва уларни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган фаолиятни кенгроқ ёритиш ва ушбу масалага бағишланган махсус дастурлар яратиш;

11. Вилоятда мавжуд муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, янгиларини жорий этиш ва уларда “экотуризм”ни йўлга қўйиш;

Юқорида қайд этилган атроф-муҳитни, жумладан, қушларни муҳофаза қилишга тегишли масалалар, мавжуд муаммоларни бартараф этишга доир айрим таклиф ва тавсиялар республикаимиз экологик барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев М., Бақоев С, Назаров И, Файзиев А. Бухоро вилоятида учрайдиган нодир ва Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган ўсимлик ва ҳайвонлар. Бухоро 1994й, 32-49 бетлар.
2. Бакаев С. Видовой состав гнездящихся птиц Бухарской области. Методическое пособие. Бухара 1987. С 20.
3. Бакаев С., Тураев М. Материалы к биологии некоторых птиц в Бухарском рыбопрудовом хозяйстве //Редкие и малоизученные птицы Средней Азии. Материалы III Республиканской орнитологической конференции. Ташкент. «Фан», 1990. С.97-99.
4. Даль С.К. Позвоночные животные низовьев реки Зарафшан //Трудь УзГУ. Т.7. Самарканд, 1935 С.
5. Зарудный Н.А.. Птицы пустыни Кызыл-Кум. //Материалы к познанию фауны и флоры Российск. ими. Отд. Зоол., Т.XIV. Москва, 1914. 149 с,
6. Зохидов.Т.З. Зоология энциклопедияси “Қушлар”. Тошкент, 1957.
7. Крейцберг-Мухина Е.А., Кашкаров Д.Ю., Лановенко Е.Н., Шерназаров Э., Е.А.Перегонцев “Птицы водоёмов Узбекистана и Центрально-Азиатского региона” Полевой определитель водно-болотных птиц. Ташкент-Алматы, 2005, 228 С.
8. Крейцберг-Мухина Е.А., Э.Шерназаров, Е.Н.Лановенка, М.Тураев, Д.Снегур Редкие виды птиц на зимовке и пролете в Узбекистане по результатам недавних исследований. Современные проблемы орнитологии Сибири и Центральной Азии. II-Международная орнитологическая конференция. Часть I -Улан-Удэ. 2003 С. 100-103.
9. Лаханов Ж.Л. “Ўзбекистоннинг умуртқали ҳайвонлари аниқлагичи” Тошкент “ФАН” 1987 йил, 197 бет.

10. Лановенко Е.Н. К изучению орнитофауны озера Денгизкуль.// Труды заповедников Узбекистана. Вып.3. Ташкент. Сфайор ENK.2001С. 110-120.
11. Митропольский О.В.; Фоттелер Э.Р. Гнездование некоторых связанных с водоёмами птиц в Кызылкумах //Экология охрана и акклиматизация позвоночных в Узбекистане. Ташкент; “Фан”, 1986. С.27-32.
12. Мухина Е.А. Гнездящиеся околоводные и водоплавающие птицы. Арнасайского заповедника //Экология растений и животных заповедников Узбекистана. Ташкент. «Фан», 1983.С.66-82.
13. Мухина Е.А. Лукашевич Р.В Околоводные и водоплавающие птицы Каршинский степи (район Бухарского питомника джейранов, Юго-Западный Узбекистан) // Фауна и экология птиц Узбекистана Самарканд. 1989. С.123-135.
14. Назаров И.Қ., Аллаёров И.Ш. Бухоро географияси Бухоро, 1994 йил, 31 бет.
14. Сагитов А.К. Отряд Поганкообразные-Podicipediformes. //Птицы Узбекистана. Том.1. Ташкент., “Фан”. 1987. С.
15. Птицы Узбекистана 1,2,3 том.Ташкент, Изд. «Фан» 1987,1990,1995
1617. Степанян Л.С. Конспект Орнитологической фауны СССР. Москва «Наука» 1990г.726 стр.
18. Тўраев М. М., Бақоев С.Б., Шерназаров Э., Рахмонов Р. Новые материалы о гнездовании некоторых гидрофильных видов птиц на водоемах Бухарской области// Междун. орнит. конф., «Современные проблемы орнитологии Сибири и Центральной Азии» Ч.2. Улан-Удэ, 2003.С. 101-104.
18. Тўраев М. М., Бақоев С.Б., Холбоев Ф.Р., Салимов Х.В. Сармишсоқушлари тўғрисида баъзи маълумотлар// Бухоро университети илми ахборотлари журнали. 2003.№2. 38-45 бет.

19. Тўраев М.М. Антропоген трансформацияси ва атроф муҳит компонентлари экологиясидаги ўзгаришлар. Қишлоқ хўжалигининг экологик муаммолари. Ҳалқаро илмий-амалий анжуман тезислари тўплами- Бухоро. 2006. 109-111 бетлар.
20. Тўраев М. М. Зарафшон дарёси қуйи оқими ҳавзаларида оқбош ўрдакнинг экологиясига доир янги маълумотлар. Ҳайвонлар экологияси ва морфологияси. Илмий мақолалар тўплами. Самарқанд СамДУ. 2006, 111 – 115 бетлар
21. Тўраев М. М. Каравайканинг тарқалиш экологиясига доир маълумотлар Ўзбекистон Республикаси биохилма –хиллигининг экологик муаммолари Республика илмий амалий конференцияси материаллари. Навоий. 2006 й.48-50 бетлар
22. Тўраев М. М. Балиқчилик хўжалига ҳовузлари биологик хилмахилликни оширувчи макон сифатида Биологик хилма-хилликни сақлаш муаммолари. Илмий конференция маърузалар тўплами Тошкент.2006 й.153.
23. Тураев М.,Шерназаров Э.,Бакаев С.,Рахмонов Р. Новые материалы о гнездовании некоторых гидрофильных видов птиц на водоёмах Бухарской области Современные проблемы орнитологии Сибири и Центральной Азии. II-Международная орнитологическая конференция. Часть II -Улан-Удэ. 2003 С. 101-104.
24. ТураевМ.,Шерназаров Э. Гнездящиеся птицы Куюмазорского водохранилища. Фауна Казахстана и сопредельных стран на рубеже веков: морфология, систематика, экология. Материалы международной конференции-Алма-Ати 2004. С. 222-223
25. Тўраев М., Бақоев.С.,Рахмонов Р. Кичик оқ кўтон ва қошиқбуруннинг биологиясига доир маълумотлар. Қишлоқ хўжалигининг экологик муаммолари. Ҳалқаро илмий-амалий анжуман тезислари тўплами- Бухоро. 2006. 121бет.

26. Тураев М.М., Шерназаров Э. Гнездящиеся птицы Тудакульского водохранилища (Юго-Западный Узбекистан) Казахстанский зоологический ежегодник Selevinia. 2006, 206-208 с.
27. Тураев М.М. Гнездование лебеда шипуня *Cygnus olor* на водоемах Бухарской области. Информационный Бюллетень проекта ИВА Узбекистане N 3 2008 г.
28. Холбоев Ф.Р. Пути приспособления птиц к условиям города Кылкумского региона// Роль экологического пространства в обеспечении функционирования живых систем. Мастер. первой меж. науч. конф. Елеу 2005. С. 38-40
29. Холбоев Ф.Р. 6. 10. Бақоев С.Б., Бухоро шаҳри шароитидаги айриқорни то-экологик муаммолар ва уларни олдини олишга доир тавасиялар.//Биохилма-хилликни сақлаш муаммолари. Илмий конференция маърузалари тўплами. Тошкент. 2006.47-49 бет.
30. Холбоев Ф.Р. Фауна, население и экология птиц города Кзылкумского региона.. Автореферат , док. Диссертации., Тошкент , 201 С-33.

Муаллифлар :

б.ф.н.,доц. Тўраев Мухтор Муродович
б.ф.д.,доц. Холбоев Фахриддин Раҳмонқулович
кафедра ўқитувчилари
Райимов Аваз Рустамович
Раҳмонов Рашид Раҳимович

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҚУШЛАРИ
(Илмий-услубий қўлланма)

Масъул муҳаррир:

б.ф.д. Холбоев Фахриддин Раҳмонқулович

Тақризчилар:

б.ф.н. Пардаев Шомиддин Саидович
б.ф.н.,доц.Тошов Худойназар Рамазонович